

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ
ЎЗБЕКИСТОН ДАВЛАТ ЖАҲОН ТИЛЛАРИ
УНИВЕРСИТЕТИ**

Кўлёзма ҳуқуқида
УДК

НОДИРОВА МАФТУНА РУСТАМОВНА

**НЕМИС ВА ЎЗБЕК ТИЛЛАРИДА ИНСОН ХАРАКТЕРИНИ
ИФОДАЛОВЧИ ЛЕКСЕМАЛАР**

Мутахассислик - 5А 120102-Лингвистика (немис тили)

Магистр даражасини олиш учун ёзилган

ДИССЕРТАЦИЯ

“ХИМОЯГА ТАВСИЯ ЭТИЛАДИ”

“Немис тили назарияси ва амалиёти
кафедраси” мудири

_____ ф.ф.н. доцент Абдуллаева С. Я

“___” _____ 2016

“ИЛМИЙ РАҲБАР”

_____ ф.ф.н. доцент Исмоилов Ю

“___” _____ 2016-йил

ТОШКЕНТ-2016

MINISTERIUM FÜR HOCH UND FACHSCHULBILDUNG DER
REPUBLIK USBEKISTAN

USBEKISCHE STAATLICHE WELTSPRACHENUNIVERSITÄT

Als Manuskript

NODIROVA MAFTUNA RUSTAMOVNA

**DIE LEXEME FÜR DEN AUSDRUCK DER
MENSCHENCHARAKTERISTIK IM DEUTSCH UND
USBEKISCHEN**

Fachrichtung 5A-120102- „Linguistik“ (deutsche Sprache)

DISSERTATION

Zur Erlangung des Magistergrades

„ZUR VERTEIDIGUNG EMPFOHLEN“

Wiss. Betreuer

Leiterin des Lehrstuhls für Theorie und Praxis

_____ Dr. YU. N. Ismoilov

Der deutschen Sprache

„__“ _____ 2016

_____ Dr. S. Ya Abdullayeva

„__“ _____ 2016

TASCHKENT-2016

МУНДАРИЖА

КИРИШ.....3

I БОБ. СИФАТЛАРНИНГ УМУМИЙ ВА ЛИНГВИСТИК ТАВСИФИ

1.1 Немис тилида сифат сўз туркумининг тутган ўрни.....1

1.2 Немис тилида сифат ва унинг категориялари.....23

1.2.1 Сифатларнинг даража категорияси.....23

II БОБ. ИНСОН ХАРАКТЕРИНИНГ ПСИХОЛИНГВИСТИК ЖИҲАТЛАРИ

2.1 Инсон характерининг психологик тавсифи.....32

2.1.1 Темперамент ва унинг турлари.....38

2.2 Инсон характерининг шаклланишида психолингвистиканинг ўрни.....42

III БОБ ИНСОН ХАРАКТЕРИНИ ИФОДАЛОВЧИ СИФАТЛАРНИНГ ПАРАДИГМАТИК ВА СИНТАГМАТИК МУНОСАБАТЛАРДА АКС ЭТИШИ

3.1 Парадигматик ва синтагматик муносабатлар тушунчаси.....51

3.2 Инсон характерини ифодаловчи сифатларнинг парадигматик хусусиятлари.....56

3.3 Сифатларнинг синтагматик хусусиятлари.....74

УМУМИЙ ХУЛОСА.....84

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ.....88

КИРИШ

Маълумки мамлакатимизда Ўзбекистон Республикасининг “Таълим тўғрисида”ги қонунини ҳамда Кадрлар тайёрлаш миллий дастури қабул қилингандан сўнг дастурни амалга ошириш доирасида чет тилларини ўқитишнинг комплекс тизими, яъни юксак камол топган, ўқимишли, замонавий фикрловчи ёш авлодни шакллантиришга, Республикасинг жаҳон ҳамжамиятида янада интеграциялашувига йўналтирилган тизим яратилди.¹ Ушбу тизимнинг амалдаги ифодаси юртимиздаги ҳар бир таълим муассасасида бугун ўзининг амалий ифодасини кўрсатмоқда. Бундан кўзланган асосий мақсад Президентимиз И. Каримов таъкидлаганлариdek: „Мустақил фикрлайдиган, замонавий илм-фан ва касб-хунарларни пухта эгаллаган, ўз юрти, ўз халқига фидойи, биз бошлаган ишларни давом эттиришга қодир бўлган салоҳиятли авлодни шакллантиришдир. Бунинг учун эса доимо ўрганиш, изланиш, янгиликка интилиб яшаш керак. Бугунги кунда қайси давлат юксак тараққиётга эришган бўлса - бу Осиё давлатлари бўладими, Европа давлатлари бўладими-буларнинг барчасидан ўрганиш керак”² Шундай экан бу йўлда энг аввало халқларнинг тарихий тараққиётидаги энг ноёб ва мукаммал бойлиги саналган тилни ўрганишимиз ва таҳлил қила олишимиз зарур. Тилда халқнинг тақдири, яшаш тарзи, маънавий бойлиги акс этади. Тил миллат руҳининг бетакрор ва ҳеч замонда хира тортмас кўзгусидир. Ҳар бир тилда шу тил эгаси бўлган миллатнинг савияси, руҳияти ёрқин ифодасини топади. Бундан ташқари жамиятда шахс сифатида ривожланаётган ҳар бир инсоннинг ўзига хос индивидуал хусусиятлари, жумладан характеристи ҳам ривож топиб боради. Биз олиб бораётган тадқиқотимиз ҳам шу асосга таяниб, немис ва ўзбек тилларида инсон характеристини ифодаловчи сифатларнинг семантик хусусиятларини таҳлил этиш юзасидан амалга оширилди.

¹ Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Чет тилларини ўрганиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида” ги қарори. 10.12.2012 -й

² Каримов И А Она юртимиз баҳту иқболи ва буюк келажаги йўлида хизмат қилиш-енг олий саодатдир. - Тошкент: “Ўзбекистон” - 2015

Мавзунинг долзарблиги. Илмий тадқиқотларнинг амалий йўналишидан келиб чиқиб, жамиятнинг у ёки бу негизига хизмат қиласидан, жамият билан тил ўртасидаги боғлиқликларни назарий ва амалий жиҳатдан ўзида мужассамлаган масалалар ҳар доим долзарб бўлиб келган. Миллатлараро ва маданиятлараро мулоқатлар рангбараң тус олиб бораётган 21 – асрга келиб турли тилларга тааллуқли илмий муаммоларни қиёсий ўрганиш мамлакатлар ўртасидаги ҳамкорликларнинг чукурлашига хизмат қиласиди. Немис ва ўзбек тилларида инсон характерини ифодаловчи лексемаларнинг семантик-функционал жиҳатлари, лугат бойлигида ушбу лексемаларнинг тутган ўрнини янада кенгроқ очиб бериш ана шундай вазифаларга киради.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Сифат немис ва ўзбек тилларида нисбатан бафтафсил ўрганилган тил ҳодисаси ҳисобланади. Сифат сўз туркуми юзасидан немис тадқиқодчиларидан R.Großе³, W.Fleischer⁴, W.Schmidt, Th.Schpan⁵, Brinkmann⁶, Motsch,⁷ Bierwisch,⁸ Eroms⁹, Engel¹⁰ Admoni¹¹, O.Moskalskaja¹², Petra, L¹³.лар турли изланишлар олиб борган. Ўзбек тилида сифатларнинг семантик-услубий хусусиятлари юзасидан А.Ғуломов, У.Турсунов, Ж.Мухторов, Ш.Рахматуллаев, А.Хожиев, М. Содикова, Ш. Шоабдурахмонов, М.Асқарова, С.Каримов, Б.Йўлдошев, З.Пардайев каби олимларнинг тадқиқотларида ўрганилгани кузатилди. Айни пайтда немис ва ўзбек тилларининг семантик таркиби қиёсий жиатдан етарли ўрганилмаган.

³ R.Großе “dialektale und soziale Differenzierung des Wortschatzes“

⁴W.Fleischer „Wortbildung“

⁵ W.Schmidt, Th.Schpan “Semasiologie“

⁶Motsch „Eine generelle Erklärung syntaktischer Regelmäßigkeiten der deutschen Sprache“ S.21

⁷Brinkmann „Verhältniswörter“ S.131-133

⁸Bierwisch „Dimensionsadjektive“, S.495

⁹ Eroms „die prototypische Aufgabe des Adjektivs“

¹⁰ Engel, „Syntax der deutschen Gegenwartssprache“, 1991,. 67

¹¹Admoni „GrundzügeGrammatik“ S.601

¹² O.Moskalskaja „Feldstruktur des Adjektivs als Wortart“S.-185

¹³Petra, L. Das Adjektiv in gesprochener Sprache,- Tübingen,. 1989

Тадқиқотнинг мақсади ва вазифалари. Маъно жиҳатидан инсон характерини ифодаловчи сифатларнинг семантик-функционал хусусиятларини очиб бериш ва немис ва ўзбек тилларида қиёсий таҳлил қилиш мазкур диссертацион тадқиқотнинг мақсадини ташкил этади.

Ушбу мақсадни амалга ошиши қуйидаги **вазифаларни** ҳал этишни лўзда тутади:

- ўзбек ва немис тилида сифат сўз туркуми ва унинг маъновий гурухларини қиёслаш;
- сифатларнинг семантик табиатига муносабат билдириш ва матндаги имкониятларини шарҳлаш;
- инсон характерини психолингвистик жиҳатдан таҳлил қилиш;
- инсон характерини ифодаловчи сифатлар ва ибораларни немис ва ўзбек тилларида қиёсий таҳлил қилиш.

Тадқиқотнинг обекти ва предмети. Мазкур тадқиқотнинг обьекти сифатида ўзбек ва немис тилларидаги сифат сўз туркумининг семантик потенциалидан иборат бўлиб, унинг предмети сифатларнинг инсон характерини ифодаловчи функцияларини семантик-функционал жиҳатдан ёритишидир.

Тадқиқотнинг методологик асослари ва методлари. Диссертация нинг илмий-назарий масалаларини ишлаб чиқиша Президент Ислом Каримовнинг „Она юртимизнинг баҳту иқболи ва буюк келажаги йўлида хизмат қилиш-енг олий саодатдир” номли асарлари¹⁴ ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Чет тилларини ўрганиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори¹⁵ ва бир қанча назарий қарашларга суюнилди. Лингвистик жиҳатдан диссертацияда соҳага оид илмий тадқиқодларнинг танқидий таҳлил методи, индуктив ва дидуктив метод, қиёсий-чоғиштирма, таққослаш, компонентик таҳлил методи,

¹⁴Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Чет тилларини ўрганиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори. 10.12.2012 -й

¹⁵Каримов И А Она юртимиз баҳту иқболи ва буюк келажаги йўлида хизмат қилиш-енг олий саодатдир. - Ташкент: “Ўзбекистон” - 2015

статистик метод элементлари, шунингдек, бирлаштириш методларидан кенг фойдаланилди.

Диссертацион тадқиқот учун немис ёзувчиларининг асарлари, матбуот материаллари, “Ўзбек тилининг этимологик луғати”, „Ўзбек тилининг фразеологик изоҳли луғати“ каби манбаалардан фактик мисоллар тўпланди ва улар таҳлилга жалб қилинди.

Диссертациянинг илмий янгилиги:

- немис ва ўзбек тилларида сифат сўз туркуми ва унинг семантик табииати қиёсий жиҳатдан таҳлил қилишдан;
- инсон характеристининг психолингвистик жиҳатлари таҳлилидан;
- инсон характеристини ифодаловчи сифатларнинг этимологик, морфологик, синтактик ва семантик жиҳатдан таҳлилидан;
- сифатларнинг парадигматик ва синтагматик муносабатларда таҳлил қилишдан иборат.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Иш назарий жиҳатдан сифатларга хос семантик хусусиятларни янада чукур англашга асос яратади. Амалий жиҳатдан эса турли ўқув қўлланмалар, конспектив курслар, луғатлар тузишда, шунингдек, сифатларнинг семантик структураси, сифат асосида шаклланган немис ва ўзбек тилларидағи инсон характеристига оид монографиялар ва ўқув қўлланмалари яратиш учун материал бўлиб хизмат қила олади. Шунингдек тадқиқот натижасида олинган хулосалардан таржимашуносликда, айниқса бадиий таржимада кенг фойдаланиш мумкин.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги

Тадқиқот мавзуси юзасидан 5 та мақола чоп этилди.

1. Ўзбек ва немис тилларида инсон руҳий ҳолатини ифодаловчи сифат лексемалари. “Илмий музокара: Филология, Лингвистика ва Педагогика масалалари” Республика илмий-амалий конференцияси материаллари. – Т.: ЎзМУ, 2015

2. Инсон характерини ифодаловчи сифат лексемалари. “Замонавий тилшуносликнинг долзарб масалалари” мавзусидаги илмий-амалий конференцияси мақолалар тўплами. – Т.: ЎзДЖТУ, 2015

3. Немис ва ўзбек тилларида инсон характерини ифодаловчи сифат ларнинг қиёсий таҳлили “Роман герман тилшунослигининг долзарб масалалари номли Республика илмий-амалий конференцияси материаллари. – Т.: ЎзДЖТУ, 2016

4. Эрих Мария Ремаркнинг “Drei Kameraden” асарида бадиий эпитетларнинг қўлланилиши. „Илмий мунозара: муаммо, ечим ва ютуқ” номли илмий-амалий конференцияси мақолалар тўплами. – Т.: ЎзМУ, 2016, Б.

5. Немис ва ўзбек тилларида инсон характерини ифодаловчи фразеологик бирликлар Чет тилларини эгаллашнинг Умумевропа компетенцияларида лингвистик аспектларнинг акс этиш масалалари номли Республика илмий-амалий конференцияси материаллари. – Т.: ЎзДЖТУ, 2016

Ишнинг тузилиши ва ҳажми. Мазкур диссертацион тадқиқот кириш қисмидан уч боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловадан иборат бўлиб,

Ишнинг **Кириш қисмida** мавзунинг долзарблиги, муаммонинг ўрганилганлик даражаси, тадқиқотнинг мақсади ва вазифалари, тадқиқотнинг обекти ва предмети, тадқиқотнинг методологик асослари ва методлари, диссертациянинг илмий янгилиги, тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти, тадқиқот натижаларининг эълон қилингандиги ва ишнинг тузилиши ва ҳажми ёритилди.

Диссертация ишининг **биринчи бобида** сифат сўз туркумининг умумий ва лингвистик тавсифи немис тилида тутган ўрни, сифатларнинг категориялари: сифатларнинг даража категорияси сифатларнинг турланиш категорияси сифатларнинг отлашиш категорияси ва функциялари назарий жиҳатдан ёритилди

Диссертация ишининг **иккинчи бобида** инсон характерининг психологик тавсифи, темпераменти ва характернинг шаклланишида психолингвистиканинг ўрни ёритилди.

Диссертациянинг **учинчи бобида** қисмида иш амалий жиҳатдан тадқиқ қилиниб, парадигматик ва синтагматик муносабатлар, инсон характерини ифодаловчи сиифатларнинг парадигматик хусусиятлари, немис ва ўзбек тилларида инсон характерини ифодаловчи фразеологик бирликларниг қиёсий таҳлили, сиифатларнинг синтагматик хусусиятлари ва Эрих Мария Ремаркнинг “Drei Kameraden” асаридаги инсон характерини ифодаловчи лексемалар қиёсий таҳлил қилинди.

І БОБ. СИФАТЛАРНИНГ УМУМИЙ ВА ЛИНГВИСТИК ТАВСИФИ

1.1 Немис тилида сифат сўз туркумининг тутган ўрни

Ҳар бир тилда бўлгани каби немис тилида ҳам сўз туркумларини ўрганиш, тадқиқ этиш узок, анъанавий даврга назар ташлашни тақозо этади. Ушбу тарихий жараёнда эса сўз туркумларининг шаклланишида кўплаб турлича назарияларнинг ўзгариши ва кенгайиб борганлигини кўриш мумкин.

Бу ўзгаришлар мобайнида асосан сўзлар ўзининг фонетик-фонологик, лексик-семантик, морфологик ва синтактик хусусиятларини бирлик сифатида турли даражада ифодалаб келган ва турлича гурухлар ҳолида таснифланган. Агар сўзлар бир тилда ўзининг маълум бир шакл ва мазмун-моҳиятига кўра гурухларга ажратилса, бу гурухлар сўз туркумлари дейилади. Сўз туркуми деганда умумий грамматик ўзига хосликларга эга бўлган сўз гурухлари тушунилади. Сўзларнинг гамматик таснифланишида морфологик ва синтактик жиҳатлар муҳим ўрин тутади. Сўз туркумларининг прагматик ва семантик маъно англатиши борасида олиб борилган кўплаб мулоҳаза ва қарашлар ҳам турли жиҳатдан ўз аҳамиятига эга.¹⁶

Сўзларни туркумларга ажратишдаги асосий қийинчиликлардан бири бу тил (*langue*-франсуз тилидан ўзлашган) ва нутқ (*parole*-италянча нутқ маъносини билдиради) нинг қурилиши жиҳатдан ёндашувларнинг турлича эканлиги бўлган. Яъни бунда тилнинг ижтимоий ҳодиса эканлиги нутқнинг эса индивидуал ҳодисалиги борасидаги назариялар. (Бу ҳакида Ромернинг “Немис тили Морфологияси” асарида кўплаб мулоҳазалар айтиб ўтилган). Бу изланишлар натижасида сўзнинг синтактик (Wortform, Textform) ва лексик (Lexikform) маъно шакллари фарқланди.¹⁷

Агар сўзлар синтактик жиҳатдан таҳлил қилинса қуйидагилар алоҳида аҳамиятга эга:

¹⁶ Römer, Christine. Morphologie der deutschen Sprache. Tübingen 2006, S-52

¹⁷ Engel, Ulrich Deutsche Grammatik. Heidelberg, 1992 S-12, 54

а) Сўзнинг гапда валентлик (сўзнинг бирикма ёки гап таркибида бошқа лексемалар билан алоқага кириша олиш хусусиятлари) имконияти жиҳатидан, яъни сўз гапда мантиқий жиҳатдан тўғри қўлланган ёки қўлланмаганида;

б) Сўз қурилиши жиҳатдан. Бунда гапнинг асосий бўлакларида сўзнинг синтактик жиҳатдан тутган ўрни. Масалан: Эга, кесим, аниқловчи

Семантик жиҳатдан таҳлил қилинганда ҳар бир сўз туркуми ўзининг семантик маъноларига эга эканлиги Engelning немис тили грамматикасида таҳлил этилган ва қуида берилган жадвалда асосланган. Ушбу жадвалдаги сўз туркумлари таҳлили ўзининг бугунги кундаги аниқ тартиби ва шаклига эга бўлган сўз туркумларининг пайдо бўлишига хизмат қилган.

Grundbedeutung	Wortart/-klasse	Problematisches
Wörter, die Vorgänge oder ein Sein bezeichnen	Verben (<i>laufen, schlafen</i>)	Vorfall қ (Geschehen), Schönheitқ (Eigenschaft) (Verfahren funktioniert somit nur, wenn man vorher die Wortklassenzuordnung vornimmt).
Wörter, die Wesen, Dinge oder Begriffe bezeichnen	Substantive (<i>Frau, Korb, Ziel</i>)	
Wörter, die Zustände oder Eigenschaften bezeichnen	Adjektive (<i>krank, gierig</i>)	

Sommerfeld Starke сўз туркумларининг маъно англатишни қуидагича ифодалаган:

Substantiv „Gegenstand“ От „Нарса“, Verb „Prozeß“ Феъл- „Жараён“, Adjektiv „Merkmal“ Сифат „Хусусият“ Бу учала сўз туркумда барча мавхум тушунчалар ҳам ўзининг аниқ хусусиятини кўрсата олади. Бу хусусиятларни грамматик категориялар мисолида қуидаги жадвалда кўриш мумкин.¹⁸

Албатта мустақил сўз туркумлари учун бу категориал маъно кўрсаткичлар жадвали ниҳоятда мукаммал бўлмаган. Бошқа сўз туркумлари учун (Предлог, Равиш, Олмош) уларнинг грамматик маънолари яъни гапда англатган маъноларига “боғловчи” сифатида нисбат берилади. Немис тили

¹⁸ Starke, Sommerfeld .1988 S-53-54

сўз бойлигини Sommerfeld Starke асосий фундаментал категорияларда асослайди ва бошқа сўз туркумларига тўхталмайди. У бир сўз туркумининг умумий характеристикасига тўхталиб, у нафақат умумий бир тушунча маъносини англатиши балки морфологик ва синтактик жиҳатларни ҳам ўзида ифода этмоғи лозим дейди. Бунда асосий сўз туркумлари сифатида юқоридаги хусусиятларга эга от, феъл ва сифатни айтиб ўтади. Агар биз сўзларни сўз туркуми сифатида маълум бир категориал гурухларга ажратиб таснифласак, бунда уларнинг фақат маъно жиҳатдан эмас, умумий Грамматик хусусиятга эга бўлган шаклини ҳисобга олишимиз зарур. Масалан сонлар сўз туркуми бўла олмайди, чунки уларда умумий Грамматик хусусият йўқ¹⁹ дея таъкидлайди.

Биз ушбу магистрлик ишимизнинг биринчи бобида сифат сўз туркумининг ўзига хос хусусиятлари, вазифалари ва имкониятларини тўлиқ очиб беришни лозим деб топдик. Бу эса кейинги бобларда характер-хусусият ифодаловчи сифатларнинг семантик хусусиятларини кенгроқ очиб беришимизга ёрдам беради.

Сифатлар немис тилидаги сўз туркумлар ичida энг асосий ва муҳим сўз туркумларидан бири саналади. Немис тилида сифат (das Adjektiv lot.. *adiektivum*) немис тилига *Beiwort* – эпитет, сифатлаш деб таржима қилинган.²⁰ “Эпитет” термини сифатнинг ҳам синтактик вазифасини ҳам сифатлаш қийматини ошириб ифодалаб келади. Бошқа манбааларда сифатлар яна *Artwörter* (тур сўзлар) ёки *Eigenschaftswörter* -(хусусият сўзлар) номлари билан ҳам қўлланган.²¹) от ва феъл сўз туркумларидан кейинги ўринда турувчи катта сўз туркуми гурухини ташкил этади. Сифат сўз туркумiga оид сўзлар немис тили сўз бойлигининг олтидан бир қисмини (16,7%) ташкил этади.

Белги ва хусусиятни ифодаловчи сифатлар гапда инсонлар, ҳайвонлар нарса ва мавхум тушунчаларнинг хусусияти, ҳолати, ранги, туси, характеристи,

¹⁹ Starke, Sommerfeld. 1988. S-54

²¹ H, Weinrich DUDEN, “Textgrammatik der deutschen Sprache“ S-477

²² Glinz, H(1) “Die innere Form des Deutschen. Eine neue deutsche Grammatik“ S-190

таъми, маъзаси, ҳажми ва психик ҳолатини ифодалайди. Welcherk, welchesk, welchek ҳамда was für einк сўроқларига жавоб бўлади. Сифатлар даража ва турланишга эга. Немис тилида сифат от каби род, сон ва келишик шаклига эга. Лекин бу грамматик шакл отга тегишли бўлган грамматик шаклдан фарқ қиласди. Отларда хар бир от учун алоҳида род белгиланган, сифатларнинг роди эса отнинг қандай родда бўлишига боғлиқдир. Масалан, *großer Tisch*, *große Tafel*, *großes Buch* каби. Сифатнинг келишик ва сон шакллари ҳам аниқланмиш отнинг келишик ва отига боғлиқдир. Шунинг учун сифатнинг грамматик шакли отнинг «абсолют» шаклига нисбатан «нисбий» категория деб юритилади. Немис тилида сифат бошқа сўз туркумларидан ҳам ясалиши мумкин.

Энди сифат сўз туркуми ҳақида немис тилшуносарининг қарашларига тўхталиб ўтсак.

-„Das Adjektiv ist die wichtige Wortart, die Merkmale, vor allem Eigenschaften bezeichnet“²²

-“Ganz allgemein kann man sagen: Mit den Adjektiven werden Eigenschaften, Merkmale u.a bezeichnet; der Sprecher gibt mit ihnen an, wie jemand oder etwas ist, wie etwas vor sich geht oder geschieht“²³

“Der verallgemeinte grammatische Bedeutungsgehalt des Adjektivs ist das Merkmal oder genauer, die Eigenschaft, und dabei eine solche Eigenschaft, die einem Ding anhaftet”²⁴

„Adjektive dienen vor allem der Beziehung von Eigenschaften“²⁵

Немис тилида энг кўп учрайдиган сифат ясовчи қўшимчалар

-ig қўшимчаси билан асосан отлардан сифат ясалади: *die Macht* (куч) - *mächtig* (кучли) *die Sonne* (қуёш) – *sonnig*- қуёшли

-lich қўшимчаси билан ҳам отлардан сифат ясалади: *der Mensch* (киши) - *menschlich* (кишилик) *der Freund* (дўст) – *freundlich*- (дўстларча)

²² Jung, Walter Grammatik der deutschen Sprache, 10. Neubearb. Aufl., Mannheim 1990 S-302

²³ Eroms „die prototypische Aufgabe des Adjektivs“ S-439

²⁴ Admoni W. Der deutsche Sprachbau., München 1986 S-142

²⁵ Grundzuge Grammatik S-601

-isch қўшимчаси билан от негизларидан сифатлар ясалади: *die Stadt* (шаҳар) - *stadtisch* (шаҳарлик)

-er қўшимчаси билан шаҳар номларидан сифат ясалиб бош ҳарф билан ёзилади -ер қўшимчаси билан шаҳар номларидан сифат ясалиб бош ҳарф билан ёзилади *Das Taschkenter Theater-* - Тошкент театри *Der Karschiener Bahnhof*- Қарши вокзали

-los қўшимчаси отларга қўшилиб, ўзбекча -сиз, бе- қўшимчасига тўғри келади: *die Arbeit* (иш) - *arbeitslos* (ищиз) *die Hilfe* (ёрдам) - *hilflos* (ёрдамсиз)

Яна қуидаги суффикслар сифат ясашда (-bar, -sam, -haft, (-haftig), -en кенг қўлланади: *wunderbar, silbern, seiden, wahrhaft, langsam, fruchtbar*

un- префикс сифат ясашда сермаҳсул ҳисобланади: *untreu, unreif..*

ur-, mifl-, erz- префикслари сифат ясашда камроқ ишлатилади: *uralt, michliebig, erzfaul.*

Кўшма сифатлар микдори немис тилида қўшма отларга қараганда камроқдир. Кўшма сифатларнинг биринчи компоненти эса сифат ёки сифатдошдан ташкил топади: *altklug, lebenswichtig, friedliebend* ва ҳ.к.

Сифат сўз туркуми морфологик, синтактик ва семантик хусусиятларга эга.²⁶

Сифатларнинг морфологик функциялари (Die morphologische Funktion der Adjektive)

Немис тилида сифатлар нафақат келишик, род ва сонда ўзгаради, балки икки хил турланиш гурухига ҳам эга: Яъни кучли ва кучсиз турланиш. Баъзи манбааларда эса учинчи аралаш турланишга ҳам эгалиги қайд этилган.²⁷ Бунда сифат ҳам кучли ҳам кучсиз турланиш гурухи белгисини кўрсатади. Сифатлар уч хил даража (Positiv, Komparativ, Superlativ) га эга. Сифатнинг бу каби хусусиятлари морфологик хусусиятларига киради.

Биз ушбу илмий ишимиизда сифатларнинг семантик хусусиятларини кенгроқ очиб беришни мақсад қилиб қўйганмиз. Шу сабабли сифатнинг

²⁶ H. Weinrich DUDEN, "Textgrammatik der deutschen Sprache" S-479

²⁷ Мирсоатов Т. Немис тили Грамматикаси. –Т-49

морфологик хусусиятларига узоқ түхталмасдан унинг гапдаги бажарган синтактик вазифаси ва семантик хусусиятларини кенгроқ кўриб чиқамиз.

Сифатларнинг синтактик хусусиятлари

(Die syntaktische Funktion der Adjektive)

Немис тилида сифатлар турланадиган (die flektierte Form) ва турланмайдиган (die unflektierte Form) шаклга эга. Сифатларнинг синтактик вазифаси деганда гапда бир неча хил вазифани бажариш хусусияти тушунилади. Яъни отдан олдин келганда бошқа вазифани отдан кейин келганда бошқа вазифани бажаради. Сифатлар немис тилида уч хил синтактик ваифага эга. Бошқа манбааларда сифатнинг уч асосий шакли (Drei Grundform des Adjektivs) деб ҳам юритилади.

Булар:

-die attributive Funktion (Attribution) *Die Mutter hatte lange Wimpern.*

-die applikative Funktion (Applikation oder Adverbiale Adjektive)

Aber er war nur einmal glücklich.

-die prädiktative Funktion (Prädikation oder Artergänzung)


Er war müde und unfroh.

Сифатнинг турланадиган шакли гапда аниқловчи бўлиб келади. Аниқловчи бўлиб келган сифатлар отдан олдин келиб, у билан сон, келишик ва родда мослашади: Сифатнинг турланмайдиган шакли эса гапда предикатив бўлиб, яъни от кесимнинг бир қисми бўлиб келади. Предикатив (от кесимнинг бир қисми) бўлиб келган сифатлар эса гапнинг охирида келади ва ўзгармайди: z.B *Ich bin glücklich*

Баъзи сифатлар (*sicher; fähig, ansichtig, überdrussig - Genetiv; ähnlich gleich, treu, verdächtig, böse, dankbar, bekannt - Dativ* ва бошқалар) предикатив бўлиб келганда, бошқариш хусусиятига эга бўлиб, тўлдирувчининг воситали келишикларидан бирида туришини талаб қиласди. Айрим ҳолларда улар предлогли тўлдирувчи *stolz* (auf қ Akk), *froh* (über- Akk), Akk), *berühmt* (durch -Akk), *zufrieden* (mit - Dat), *reich(an* - Dat), *schuld* (an Dat), *einverstanden* (mit Dat) билан ҳам келади: *A.Nawoi ist durch seine Werke berühmt.*

*Сифатнинг аниқловчи вазифаси
(Die attributive Funktion des Adjektivs)*

Сифатнинг аниқловчи вазифаси сифатнинг асосий вазифаларидан бири ҳисобланади. Бунда сифат артикл ва от ўртасида туради. Сифатнинг бу шакли турланадиган шакл (flektierter Form) ҳисобланади. Яъни от олдидан келиб унинг хусусиятларини ифодалаб келган сифат отнинг роди, сони ва келишигига мослашиб турланади. Бу турланишда сифат сифатловчи аниқланаётган от аниқловчи саналади. Сифатловчи аниқловчи доим отдан олдин келади²⁸.



Бу ерда сифатловчи аниқловчи ўрнида келган *rote* сўзи *Blume* (гул) га хос бўлган хусусиятни ифодалаб келган. Тингловчида ушбу предмет ҳақида тўлиқ тасаввур пайдо бўлиши учун уни бир ёки бир нечта сифат билан ифодалаш мумкин. Баъзи равишдан ясалган сифатлар (*hiesig, dortig singari* сингари) доим аниқловчи бўлиб келади.²⁹

Айрим ҳолларда сифатловчи аниқловчининг ўзгармайдиган шакли ҳам турғун бирикмаларда сақланиб қолган:

z.B: *mit jemand gut Freund sein* (Ким биландир дўстлашимоқ); *auf gut Glück* (ўйламасдан, таваккалига); *ein gut Stück*

Архаик бўлган киши исмлари олдидан: *Jung Siegfried, klein Dieter;*
Мақолларда: *Ein unnützes Leben ist ein früher Tod.* (J.W.Goethe)

Сифат фақат боғлама ва мақолларда эга вазифасида келади:

²⁸ H, Weinrich DUDEN, “Textgrammatik der deutschen Sprache“ S-479

²⁹ Griesbach, Heinz Neu deutsche Grammatik, Berlin, München 1986

*Ehrlich währt am längsten. Gut ist gut und besser ist besser. Jung und alt füllen die Straßen.*³⁰

Агар иккита сифат чизиқча билан ажратиллган бўлса иккинчиси турланади.

Das deutsch-russisch Wörterbuch.

Сифатнинг кесимлик ва равишилик вазифаси

(die prädiktive und applikative Funktion des Adjektivs)

Сифат гапда кесим вазифасида келади. Бунда отнинг хусусиятини имкон қадар ифодалаб келади. Сифатнинг кесимлик вазифаси ўзгармасдир, яъни ҳеч қандай ўзгариш бўлмайди. Сифатнинг гапда кесимлик вазифаси равишли бирикма (тарз ҳоли) дагига ўхшаш. Бунда отнинг мужской, женской, средний родда туриши ёки кўплиқда эканлиги аҳамиятсиз. Мисоллар орқали сифатловчи аниқловчи, кесим ва тарз ҳоли вазифасида келган сифатларни кўриб чиқамиз.

z.B: *Der Clown ist lustig. (Prädiktive); Er springt lustig herum; (Adverbiale) Er ist ein sehr lustiger Clown. So einen lustigen Clown habe ich noch nie gesehen. (Attributive)*

Сифатнинг кесимлик турини *sein, bleiben, werden* феълларидан кейин турувчи сифатлар деб ҳам аталади.³¹ қуйидаги чизма асосида ҳам кесим вазифасида келган сифатнинг ўзгармас ва бошқа бўлакларга нисбатан жойлашишини ҳам тўлиқ кўришимиз мумкин.

Тингловчи ушбу мисол орқали сўзловчининг мамнунлигини эгага қаратилган сигнал сўз сифатида қабул қиласида ва буни ўз навбатида *sein* ёрдамчи феъли бин ҳам кўрсатмоқда. Тўлдирувчи кесим бўлиб келган сифатлар ҳам ўзгармасдир.

³⁰ Jung, Walter Grammatik der deutschen Sprache, 10. Neubearb. Aufl., Mannheim 1990 S-112

³¹ <http://fr.wikipedia.org/>

z.B: *meinen Urlaub wünsche ich mir abenteurlich. Du stellst dir deinen Beruf wohl ziemlich erholsam vor.*

Ушбу мисоллардаги кесим бўлиб келган *abenteurlich*, *erholsam* сифатлари тўлдирувчи вазифасида келган *meinen Urlaub*, *deinen Beruf* сўзларига қаратилган. Ўзлик феъллари билан келганда эга ва тўлдирувчи кесим биргаликда келади.

Ich fühle mich ganz gesund./ halte dich weiterhin fit.

Қуйидаги сифатлар гапда доим кесим вазифасида келади:

Egal, einerlei, eingedenk, feind, gewahr, gramm, leid, los, o.k., okay, plemplem, quitt, schade, schnuppe, untetan, meschugge, futsch, barfuß , entzwei

Равишли бирикма *adverbiale* (лотинча. . *adverbum*) сифатнинг феълга хосланган шакли бўлиб, синтактик жиҳатдан *Adjektivadverb* деб аталади. z.B: *Donald singt falsch.* Сифатнинг феълга хосланганигини қўйидаги ҳолда аниқ кўришимиз мумкин.

Donalds Singen ist falsch. / Das falsche Singen (aber nicht: *Donald ist falsch)³² Ушбу гапда сифат от кесим ёки аниқловчи эмас, балки кесимга яъни феълга хосланганини гап маъноси таҳлил қилинганда кўришимиз мумкин.

Бундан ташқари ушбу мисол орқали ҳақиқий равиш ва сифатли равиш ўртасидаги фарқни ҳамажратишимиз мумкин. Равишилар турланмайди. қиёслаймиз: *er singt gern* (равиш), *das gerne Singen*. Бошқа томондан қараганда биринчи мисолдаги равиши сифат кесим дейиш ҳам мумкин.

Икки қисмга ажратилган буйруқ шаклидаги *nachdenken* феълидаги маъно аппликат бўлиб келган *genau* орқали англашилади. Агар бунда генау аппликати ишлатилмаса денк ва мал сўзлари қўшилиб тингловчи гап маъносини англаши қийин.

Сифатларнинг семантик хусусиятлари
(Die semantische Funktion der Adjektive)

³² Der Duden (1984:270) nennt diese Umformung die “Attributsprobe”

Одатда сифатлар англатган маъносига кўра семантик жиҳатдан аслий (*absolut*) ва нисбий (*relativ*) сифатларга бўлинади.³³

Аслий сифатлар туб сўзлардан иборат бўлиб, предметнинг белгисини бевосита, тўғридан-тўғри ифодалайди, уни даражалаб кўрсатади. Аслий сифатлар белги жиҳатдан ҳар хил бўлиб, рангни тусни (*gelb, rot, wieß*), таъм-мазани (*süß, bitter, sauer*), ҳажмни (*breit, groß, hoch*), ҳолат, ички ҳиссиётни (*blind, stumm, krank*), ижобий ёки инкор маъносини (*gut, schlecht*), ташқи формасини (*schlank, rund*) ифодалаб келиши

Немис тилида аслий сифатларнинг кўпи тўла парадигмага эга: улар турланади, даража формаларига эга, гапда аниқловчи ва предикатив вазифасида қўлланади. Аммо сифатлар немис тилида қисқа турланмайдиган формага ҳам эга: *Sie sind gesund. Der Himmel ist blau.* (Бу хусусида-сифатларнинг қиёсий таҳлили устида кейинги ўринларда батафсил тўхталамиз).

Нисбий сифатлар (*die relative Adjektiven*) белгини бир предметнинг бошқа предметга бўлган турлича муносабатига кўра ифодаланади. Немис тилида нисбий сифатлар қисқа формага эга бўлиб, белгини даражалаб кўрсатмайди ва улар равишга кўча олмайди. Нисбий сифатлар сифат ясовчи турли аффикслар ва бошқа сўз туркумларидан ясалади. Нисбий сифатларнинг қўпчилиги одатда от, феъл ва равишдан ясалади.

<i>Weiß, rot, gelb, süß, bitter, sauer</i>	<i>оқ, қизил, сарик, ширин, ачиққоқ,</i>
<i>breit, groß, hoch, blind, gesund,</i>	<i>нордон, кенг, катта, баланд, кўр,</i>
<i>faul, krank, fleißig, faul</i>	<i>соғлом, касал, тиришиқоқ, ялқов</i>

Нисбий сифатлар қуйидаги маъноларни билдиради:

- а) предметнинг ўзи ясалган материални: *golden, silbern, eisern, seiden;*
- б) ўрин ёки пайтга муносабатни: *täglich, jährlich, heutig, gestrige;*
- с) турли хил тушунчалар билан боғлиқ бўлган хусусиятни: *menschlich, kindlich, sparsam, freudig, zornig;*

Қуйидаги бирикмаларда нисбий сифатларнинг даражалаб бўлмас

³³ Eroms „die prototypische Aufgabe des Adjektivs“, Leipzig 1978., S-120

лигини кўришимиз мумкин.

қишки каникул- *Winterferien*

ташқи сиёсат- *Außenpolitik*

ерталабги соат- *Morgenstunde*

оммавий ҳаракат- *Massenbewegung*

имтиҳонлар- *Sommerprüfungen*

деворий газета- *Wandzeitung*

Нисбий сифатлар мустақил ҳолда қўллана олмайди. Буни ҳозирги мисолларда ҳам кўришимиз мумкин.³⁴ *Groß, klug und beilbar* каби аслий сифатлар ўзининг мустақил маъносига эга. *Väterlich, bulgarisch, gestrig* каби нисбий сифатлар бирор бир аниқ предмет билан бирга келиб унга хос бўлган хусусиятни ифодалайди:

Väterlich- väterliches Haus-ota уй маъносида ота сўзидан келиб чиқсан), *gestrig* ҳам *gestern* созидан келиб чиқсан. Eisenberg³⁵ асарида ушбу сифатлар “Релатионал тур” деб ҳам аталади. Адмони да³⁶ ушбу сифатларнинг этимологияси ва семантик вазифалари борасида ва Buscha ва Eisenberg қарашлар ҳам қиёсланганди.

Кейинчалик “relative” сўзининг синтактик маъносини Behaghel ҳам изоҳлаб, сифатлар билан қўллаганда сифатлардаги синтактик маънонинг кучайиши билан нисбий сифатларнинг маъноси аниқлашиб боришини айтиб ўтган.³⁷

1.2 Сифат ва унинг категориялари

1.2.1 Сифатларнинг даража категорияси

Немис тилида ҳам сифатлар ўзбек тилидагидек, уч даража-оддий (der Positiv), қиёсий (der Komparativ) ва орттирма даража (der Superlativ) га эга.

³⁴ H, Buscha: Studien zur deutschen Syntax, 2 Bände, Leipzig 1984:309

³⁵ P, Eisenberg: Bibliographie zur deutschen Grammatik., Tübingen 1986:231

³⁶ W, Admoni. Der deutsche Sprachbau., München 1986:146

³⁷ Behaghel 1984:144

Оддий даража (*der Positiv lat. positivo-(normale) Stellung*) бир предметда ги белги бошқа предметдаги айни шу белгига қиёс қилинмай, тўғридан-тўғри англатилади. *z.B Samarkand ist groß.*

Қиёсий даража (*der Komparativ lat. comparare-vergleichen*) бир предмет белгисининг бошқа предмет белгисига нисбатан ортиқ ёки камлигини кўрсатади. *z.B Samarkand ist größer als Buchara.*

Орттирма даража (*der Superlativ lat. Superlativum-das über etwas hinausge tragene*)³⁸ эса бир предмет белгисининг бошқа предмет белгисига нисбатан энг кўп эканлигини кўрсатади. *z.B Taschkent ist am größten*

Немис тилида сифат даражаларининг ясалиши.

(die Bildung der Steigerungsstufen der Adjektive im Deutschen)

Немис тилида оддий даражада ҳам бир предметдаги белги иккинчи бир предметдаги белги билан қиёс этилиши мумкин. Бундай чоғиштиришда ҳар иккала предметдаги белги ҳам бир хил бўлади ва гапда *wie, so..- wie, ebenso...wie, genauso...wie* каби боғловчилар қўлланади.³⁹

z.B: Die Birne ist süß wie Honig. Нок худди асалдек ширин.

Dieser Student ist ebenso fleißig wie jener. Бу талаба бошқалардек тиришиқоқ.

Dieses Zimmer ist so groß wie jenes. Бу хона бошқалари каби катта.

Сифатнинг қиёсий даражаси синтетик шакл бўлиб, оддий даражага – (е)р суффиксини қўшиш орқали ясалади ва гапда *als* боғловчиси қўлланади.

klein-kleiner	кичик-кичикроқ
heiß-heißer	иссиқ-иссиқроқ

Diese Straße ist breiter als unsere Straße - Бу кўча бизнинг қўчамизга қараганда каттароқ. *Er ist stärker als sein Freund--* Удўстидан кучлироқ.

Охири *er, -el, -en* билан тугаган сифатлардан қиёсий даража ясалганда - е тушиб қолади:

³⁸ Мирсоатов Т. Немис тили Грамматикаси. –Т-49

³⁹ Benjaminow J.R Vergleichende Typologie der Deutschen und Usbekischen Sprache Тошкент:Ўқитувчи, 1982.

dunkel-dunkler	қоронғи-қоронғироқ
edel-edler	қиммат-қимматроқ

Үзаги а, о, у, унлиси бўлган бир бўғинли сифатлар умлаут олади.

lang-länger	узун-узунроқ
groß-größer	кatta-кattароқ
kurz-kürzer	қисқа-қисқароқ

Сифат даражалари айни бир предмет белгисининг ортиқ ёки камлигини кўрсатиб кела олади. Бу ҳол сифат даржаларининг абсолют қўлланиши дейилади:

-Eine längere Zeit studierte unsere Kollege im Ausland. (Бизнинг ҳамкасларимиз узоқ вақт чет элда ўқишиди); Wir zogen in eine größere Wohnung um. (Биз каттароқ квартирага кўчиб ўтдик); Koster war in seinem ältesten Anzug zum Finanzamt gefahren. (E.Remarque,Drei Kameraden), (Кестер ўзининг жуда эски костюмida солиқ идорасига кетган эди); Es war die Zeit, wo der Abendverkehr am stärksten ist. (E.Remarque, Drei Kameraden), (Бу пайтда кечки транспорт қатнови жуда жуда кучаярди).

3) Оддий даражага -(e)st суффиксини қўшиш орқали сифатнинг ортирма даражаси ясалади. Ортирма даражадаги сифат кўпинча аниқ артикл билан ишлатилади.

der jüngste	энг кичик (ёш)
der kleinste	жуда кичик
der schönste	энг чиройли

Ўзагида -а, -о, -и, унлиси бўлган сифатлар ортирма даражада умлаут олади. Бундан ташқари ортирма даражада аналитик йўл билан ҳам ясалади. Бу ҳолда оддий даражадаги сифатга -(e) sten суффикси қўшилиб, сифатдан олдин ам юкламаси қўйилади.

rot-röter-am rötsten	қизил-қизилроқ-қип-қизил suβ-
süßer-am süßten	ширин-ширинроқ-шиирин

-au дифтонги бўлган ёки охири -e,-er,-el,-en, -bar,-sam,-lich,-ig,-haft билан тугаган сифатлар умлаут олмайди:

mager-magerer-am magersten	озғин-озғинроқ-энг озғин
dunkel-dunkler-am dunkelsten	қоронғи-қоронғироқ-жуда қоронғи

Немис тилида баъзи сифатлардан даража ясалганда, улар умлаут қабул қилиши ёки қилмаслиги мумкин. Булар: blaß, gesund, glatt, klar, naß, krumm, schmall, fromm, bange u.a

Айрим сифатлар ўз даражасини қоидадан мустасно ҳолда ясайды, яни умумий қоидага бўйсунмайди:

nah-näher-am nächsten	яқын-яқынрок-жуда яқын
hoch-höher-am höchsten	баланд-баландрок-енг баланд
gut-besser-am besten	яхши-яхширок-жуда яхши

Баъзи сифатлар предмет белгисини даражалаб күрсата олмайды. Бунга асосан қуидаги нисбий сифатлар киради: *hiesig, dortig, morgig, blind, gestrig, täglich, monatlich, golden, hölzern, wollen, rund, lebendig, tot, stumm, nackt, gesund, turkmenisch, usbekisch*⁴⁰

Немис тилида сифатлар гапда икки хил шаклда бўлади: қисқа турланмайдиган (Kurzform) шаклда ва турланадиган (flektierter) шаклда.⁴¹ Сифатнинг турланмайдиган қисқа формаси гапда кесим вазифасида келади, турланадиган формаси эса аниқловчи вазифасида келади. Сифатлар келишик, род, сон каби грамматик категорияларга эга. Лекин бу категориялар отлардаги каби мустақил бўлмай, аксинча нисбийдир. Чунки сифатлар гапда отдан олдин аниқловчи вазифасида келиб, отнинг род, сон ва келишигига мослашади.

I боб учун хулоса

⁴⁰ Benjaminow J.R Vergleichende Typologie der Deutschen und Usbekischen Sprache Тошкент:Ўқитувчи, 1982. S-92

⁴¹ Bierwisch „Dimensionsadjektive“, S.495

Белги ва хусусиятни ифодаловчи сифатлар гапда инсонлар, ҳайвонлар нарса ва мавхум тушунчаларнинг хусусияти, ҳолати, ранги, туси, характеристики, маъзаси, ҳажми ва психик ҳолатини ифодалайди. Сифатнинг бу каби хусусиятлари белгини баҳолаш функцияси орқали амалга оширилади. Сифатнинг биргина белги хусусиятни ифодалаш имконияти унинг немис тили грамматикасида муҳим ўринга эга эканлигини белгилайди. Бу сифатнинг фақат морфологик хусусиятини кўрсатадаи. Лекин сифат сўз туркумiga оид сўзларнинг немис тили луғат бойлигининг олтидан бир қисмини (16,7%) ташкил этишининг ўзиёқ бу туркумга оид сўзларни турли нуқтаи-назардан тадқиқ этиш имконини беради.

Хулоса қилиб айтганда магистрлик диссертациясининг биринчи бобида биз сифат сўз ткумининг немис тилида тутган ўрни ва гапда бажарадиган функцияларига кенг тўхталиб ўтдик. Бу йўналишда амалга оширилган илмий ишлар билан танишиб, сифат сўз туркумининг турли категорияларини назарий талқин этдик. Сифатнинг турланиш, даража ва турланиш категорияларини гапда бажарган функцияларини кенг очиб беришга ҳаракат қилдик. Бундан ташқари диссертациямизнинг назарий қисмини ташкил этувчи ушбу бобда сифатнинг морфологик, синтактик ва семантик жиҳатлари назарий асослаб берилди.

II БОБ. ИНСОН ХАРАКТЕРИНИНГ ПСИХОЛОГИК ЖИҲАТЛАРИ

2.1 Инсон характерининг Психологик жиҳатдан тавсифи

Инсоннинг ҳаёт тарзи унинг характеристи

И.Гёте

Маълумки ҳар бир одам ҳар қандай бошқа одамдан ўзининг индивидуал хусусиятлари билан ажралиб туради. Ҳаётда бундай фарқлар кишининг характеристи билан боғлиқ деб тушунтирилади. «Характер» сўзи юононча “чизик”, “белги”, “сифат”, “хусусият” маъносини билдиради. Бу сўз “хароссо” феълидан келиб чиқсан бўлиб, ушламоқ, чизмоқ, қирқмоқ деб таржима қилиш мумкин.

Психологияда характер деганда ҳар бир шахс учун типик ҳисобланган фаолият усусларида номоён бўладиган, типик шароитларда юзага чиқадиган ва шахснинг бу шароитларга муносабати билан белгиланадиган индивидуал психик хусусиятлар йифиндиси тушунилади. Ижтимоий жиҳатдан эса жамият аъзоси бўлган кишининг воқеиликка бўлган муносабатида вужудга келадиган ва унинг хулқ-атвори ҳамда хатти-харакатида таъсир қолдирадиган муҳим, барқарор психик хусусиятларнинг мажмуи характеристер дейилади.

“Характер тушунчасини икки хил маънода умумий (кенг) ва маҳсус (тор) маънода тушуниш мумкин. Умумий маънода инсон характеристи деганда унинг хатти-харакати ва хулқ-атворига таъсир этувчи индивидуал яққол намоён бўлган ва сифат жиҳатдан турлича бўлган белгилар тушунилади.”⁴²

Тор маънода эса шахснинг психик тузилиши назарда тутилиб, у инсоннинг иродаси ва йўналганлигига намоён бўлади. Йўналганлик бу инсоннинг характеристи хусусияти бўлиб, фаолиятига таъсир этади.

Киши жамиятда яшаб, бирор фаолият билан шуғулланар экан, ўзини шахс сифатида намоён қиласи. Бунда у ўзига, ишига, одамларга муносабатини ҳам кўрсатади. Баъзан ана шу муносабатнинг кўриниши

⁴² G’oziev E. Psixologiya. T., O’qituvchi, 1994 yil

одамдан ташқари, тасодифий характерга эга бўлиши мумкин. Масалан мактабда бирор боланинг кутилмагандаги арзимаган нарсадан жаҳли чиқиши. Бу атрофдагилар учун ҳайрон қоларли, чунки жаҳлдорлик у учун типик бўлмаган ҳолат. Бошқа бир ўқувчи эса атрофдагилар билан доимий қўпол муомалада бўлади. Бу барқарор, бир неча марта такрорланган хусусият бўлиб, бу ҳолат аллақачон уни шахс сифатида характерлаб беради. Шунинг учун ҳам ушбу хусусиятни унинг характерига хос бўлган хусусиятлардан бири дейиш мумкин. Бошқача қилиб айтганда, характернинг ҳар бир хислати тегишли типик шароитлардагина намоён бўлади. Инсон характерининг ҳар бир хислатида маълум шароитларга, воқеаларнинг маълум томонларига бўлган муносабати ифодаланади. Шу сабабли бир ўқувчи ўзини турли шароитларда турлича тутиши мумкин. Мактабда қўрқок, иккиланувчи, уйда чаққон, дилкаш, ғайратли, меҳмонда вазмин, ўйчан ва х.к.

Баъзан характер деган сўз билан қатъийликни-бошқа кишиларга қилинган кескин муомалани ифодалайдилар. Аксинча, иродаси заиф кишини характерсиз деб хисоблайдилар. Лекин бу нотўғри. Характериз деб хисобланган кишида ҳам характер бор. Характердаги кўп нарса инсоннинг дунёқарашига, эътиқодига, идеалларига ва ижтимоий аҳволига боғлиқ бўлади.

“Характер тугма бўлмайди. Фақат лаёқат нишоналари тугма бўлиши мумкин, улар нерв тизимининг хусусиятларига боғлиқ бўлади. Характер эса муайян жамият аъзоси бўлган кишининг ҳаёти ва фаолияти жараёнида таркиб топади. Характер шахснинг индивидуал хусусиятидир. Характерлари мутлақо бир хил бўлган икки кишини топиб бўлмайди, лекин айrim кишининг характеридаги кўп жиҳатлар бир грух кишилар учун ёки ҳатто бутун жамият учун типик бўлиши мумкин.”⁴³

Одам ҳаракатларининг сифати ва усуслари фақат шахснинг муносабатларигагина боғлиқ бўлмай, балки ирова, ҳиссиёт, дикқат, ақлий

⁴³ Karimova V. M., Akramova F. Psixologiya. Ma’ruzalar matni - Т., 2000

хусусиятларга, яъни психик хусусиятларнинг индивидуал хусусиятларига ҳам боғлиқ. Шунинг учун ҳам киши фаолиятида қандай психик жараёнлар устун туришига қараб характер хусусиятларини интеллектуал, эмоционал ва ирода хусусиятларига ажратиш мумкин.

Характернинг кўп хислатлари одамнинг хатти-харакатини белгилаб берувчи чукур ва фаол майллар ҳисобланади. Маълумки турли кишиларнинг характеристи турлича. Шу сабабли ҳам бир хил шароитларда, айнан бир хил мақсадга интилевчи кишилар шу мақсадга эришиш учун зарур бўлган характеристининг турли усулларига мойил бўладилар. Бу ерда характер хислатлари ундовчи куч сифатида номоён бўлади. Одам характер хислатларининг ундовчилик кучи сифатида юзага чиқиши таъсири остида кўпинча обектив шароитга зид ва мақсадга номувофиқ ҳаракат усулларини кўллайди. Одам баъзида ўз характеристидан ўзи хафа бўлиб кетади, аммо бошқача ҳаракат қила олмайди.

Мақсадга номувофиқ, лекин одам учун характерли бўлган ҳаракат усулларини танлашга мойиллик катта иродавий зўр беришлар шароитида, жиддийлик (стрес) вазиятларида хусусан аниқ намоён бўлади. Шунинг билан бирга, агар одам учун характерли бўлган ҳаракатлар усули мазкур шароитда максадга мувофиқ бўлса, унда у ўз характеристига мос келмайдиган, бир қолипдаги, стереотип ҳаракат усулларидан мажбурий фойдаланиш ҳолларига қараганда анча кўп куч-куват, қайтъийлик ва меҳнатга қобилиятлилик талаб қиласди. Шундай қилиб, агар характер хислатлари обектив шароитлар талабига қарши ҳаракат қилишга ундейдиган бўлса, одамнинг характер хислатлари ўзига халақит бериши мумкин. Аксинча бўлса киши ижодий иш қила олади, ўз кучларидан самарли фойдалана олади.

Характернинг намоён бўлиши ва унинг таркиб топишига жуда кўплаб омиллар таъсир қиласди. Шу сабабли характернинг физиологик асослари ҳақида тахминан хулоса чиқариш мумкин.

Одам характери турли хусусиятларнинг тасодифий йиғиндисидан иборат эмас. Характернинг хусусиятлари бир-бири билан боғлиқ, бир-бирига

тобе яхлит тизимни ташкил қиласи. Мана шундай яхлит тизим характер тузилиши (структураси) дейилади.

Психология фанида кишининг атрофдаги воқеликка муносабати нуқтаи-назаридан характер хусусиятларининг қуйидаги тизимли гурӯҳлари фарқланади;⁴⁴

1.Шахснинг умумий психик тузилишини ифодалайдиган хусусиятлар: ғоявийлик, максадга интилувчанлик, ҳалоллик, ватанпарварлик, мардлик, адолатга ишониш, фаоллик, интизомлилик.

2.Шахснинг бошқа одамларга муносабатини ифодаловчи хусусиятлар-жамоалилик, инсонпарварлик, сезирлик, сахийлик, самимийлик, ҳурмат-еҳтиром. Буларга қарши: писмиқлик, бепарволик, тошбағирлик, ичидан пишганлик, дағаллик, кишиларга нафрат билан қарашиб.

3.Кишининг ўз-ўзига қандай муносабатда бўлиши ҳақида гувоҳлик берадиган хусусиятлар - камтарлик, мағрурлик, уятчанлик, жizzакилик, худбинлик, эгоцентризм (ўз шахси, ўзининг кечинмалари билан банд бўлиш, ўзини ҳамиша ўз диққат марказида тутиш).

4.Шахснинг меҳнатга, ўз ишига муносабатини кўрсатувчи хусусиятлар -қатъиятлик, ташаббускорлик, меҳнатсеварлик, ижодга иштиёқ, ишдаги ҳалоллик.

5.Кишининг нарсаларга муносабатини характерловчи хусусиятлар - пухталик-бепарволик, қимматли нарсаларни бехуда сарф килиш ёки тежаш (кимники бўлишидан қатъий назар).

Характернинг айrim хусусиятлари шахснинг ижобий хусусиятлари, бошқалари эса салбий хусусиятлари бўлади. Шу нарсани эсда тутиш керакки, кишиларга бўлган меҳр-муҳаббатни яхши, нафратни ёмон деб бўлмайди. Ҳамма нарса кимни яхши қўриш ва кимдан нафратланишга боғлик. Характернинг хусусиятлари орасидаги боғлиқликдан келиб чиқсан ҳолда муҳим холоса чиқариш мумкин.

⁴⁴ Umumiy psixologiya. A.B.Petrovskiy “Toshkent-O’qituvchi” -1992 yil.

-Характернинг айрим хусусиятларини алоҳида, ажралган ҳолда тарбиялаб бўлмайди. Характер хусусиятларининг бутун тизимини тарбиялаш лозим. Аммо характернинг бир бутунлиги мутлақ эмас.

- Шахсда характернинг марказий, асосий муносабатларни белгилаб берувчи хусусиятлар мавжуд. Тарбия жараёнида ана шу асосий хусусиятларини шакллантиришга эътибор бериш лозим.

Характернинг ижобий хусусиятлари орасида ахлоқий хусусиятлар, ҳамда иродавий хусусиятлар муҳим ўрин эгаллади. Киши характерининг барча хусусиятлари бир-бири билан боғлангандир, шунинг учун ҳам характер муайян даражада барқарорлиги билан ажралиб туради.

Характернинг хусусиятлари қандай шаклланади. Айнан иккита бир хил характерли икки киши учрамаслигини қандай тушуниш мумкин. Баъзи олимлар характернинг шаклланиши, унинг ҳамма хусусиятлари наслий деб ҳисоблайдилар. Бунинг иккита сабаби мавжуд. Биринчидан кўпчилик чет эллик олимлар биологик омилларнинг ролини ошириб баҳолайдилар. Иккинчи томондан кўпчилик чет эл психологик назарияларида темперамент хусусиятлари алоҳида ажратилиб ўрганилмайди. Бизга маълумки темпераментнинг хусусиятлари асосан биологик хусусиятларга, шу жумладан нерв тизимининг хусусиятларига боғлиқ. Бу йўналишдаги психологлар темперамент хусусиятларини ҳам характер хусусиятлари сифатида қарайдилар. Аслида организмнинг наслий хусусиятлари характер хусусиятларининг пайдо бўлишининг шартларидан бири, холос. Характер хусусиятлари ирсиятнинг биологик қонуниятлари билан эмас, балки ИЖТИМОЙ ҚОНУНИЙАТЛАР билан белгиланади.

Характерда шахс психик хусусиятларининг бирлигидан иборат яхлитлик муҳимдир, лекин бу яхлитлик бўлимлардан ташкил топган. Киши характерининг структураси ёки тузилишини аниқлаш характердаги асосий компонент ёки хусусиятларни ажратиб кўрсатиш ва уларни мураккаб муносабатларининг ўзаро тасирини белгилаш демакдир. Шахснинг

йўналиши эҳтиёжлари, мотивлар, қизиқишлиар, иштиёқ идеаллари, характерни мазмунини ташкил этади.

Характер қандай шаклланадиқ Характернинг шаклланиши ижтимоий муносабатлар билан белгиланади. Ижтимоий муносабатлар оиласидаги, ўқув жамоасидаги муҳит хайриҳоҳлик, золимлик, баджаҳллик, ичи қоралик, камтаринлик, рақобат, ўзаро ёрдам ва бошқаларни ўз ичига олади. Шу сабабли кишининг ғоявий йўналганлиги, ўзига, бошқаларга, меҳнатга муносабати, дунёқарашининг шаклланганлик даражаси жамиятда, оиласида, ўқув юртида тарбия жараёни қандай ташкил қилинганига боғлик. Аммо характерни умумий назариялар, насиҳатлар билан шакллантириб бўлмайди. Булар шахснинг билимларигагина айланиб қолиши мумкин, холос. Характернинг шаклланиши, таркиб топиши одамнинг фақат фаол фаолияти жараёнида рўй беради. Фаол ҳаракатлар жараёнида маълум ҳаракатлар тизими, ҳаракатлар усуллари шакллантирилади ва мустаҳкамланади. Бундай ҳаракатлар тизими ОДАТЛАРНИ ташкил киласи. Шахсда шаклланган одатларнинг мажмуи характерни белгилаб беради. Болаларда фойдали одатларни шакллантириш учун улар билан ишлаш, бир қанча вақт давомида тақрорлаш, ҳосил бўлган одатларни мустаҳкамлаш керак.

Характер хислатларининг шаклланишида мақсадга йўналган ҳолда одатларни шакллантиришдан ташқари ТАҚЛИД ҳам ўзига хос ўринга эга. Бу борада ота-оналар, педагоглар ёшларга намуна бўлиши керак, улар ўзларида яхши хислатларни намоён қилишлари керак. Шу ҳолдагина бола уларга тақлид қиласи, ижобий инсоний хусусиятларни ўзида шакллантиради.

Характерни қанчалик илмий жиҳатдан ёритмайлик, у барибир ҳаётий тажрибаларга таянган ҳолда шаклланишига содик қолади. Шундай экан инсон характер-хусусияти ҳақида дунёга машҳур ёзувчилар, файласуфлар ва олимларнинг фикр мулоҳазаларига тўхталиб ўтишни лозим топдик. Уларнинг фикр-мулоҳазалари юқоридаги қарашларнинг амалий исботи бўлиб хизмат қиласи.

2.1.1 Темперамент ва унинг турлари

Шахснинг индивидуал хусусиятлари ҳақида гап кетганда, уларнинг түгма, биологик хусусиятларига алоҳида эътибор берилади. Чунки аслида бир томондан шахс ижтимоий мавжудот бўлса, иккинчи томондан – биологик яхлитлик, түгма сифатларни ўз ичига олган индивид ҳамdir. Темперамент ва лаёқатлар индивининг динамик-ўзгарувчан психик фаолияти жараёнини таъминловчи сифатларини ўз ичига олади. Одам темпераментига алоқадор сифатларнинг ўзига хослиги шундаки, улар одам бир фаолият туридан иккинчисига, бир эмоционал ҳолатдан бошқасига, бир малакаларни бошқаси билан алмаштирган пайтларда реакцияларнинг эгилувчан ва динамиклигини таъминлайди ва шу нуқтаи назардан қараганда темперамент – шахс фаолияти ва хулқининг динамик (ўзгарувчан) ва эмоционал-хиссий томонларини характерловчи индивидуал хусусиятлар мажмуидир.

“Темперамент – (юнонча. Темпераментум – сифатлар муносабатларни аралаштираман) – инсон психик фаолиятининг динамик хусусиятлари, жумладан тезлиги, ритми, интенсивлиги жиҳатидаги характеристикасидир.”⁴⁵

Темперамент сифатлари, бу шундай психиканинг индивидуал сифатики, улар психик фаолиятнинг оқимини ифодалайдилар. Психологик жиҳатдан темперамент эмоционал қўзғалувчанликдаги тезлиги, кучи ва барқарорлигига намоён бўлади. Улар турли мазмунда вазиятга қарамай, нисбатан ўзгармас доимий бўлиб, улар темперамент турини ифодаловчи мотив ва фаолият мақсадларида мавжуд бўлади.

Юқорида айтилганлардан шу нарса аён бўладики, эмоционал қўзғалувчанлик турли одамларда қўзғалиш кучи, тезлиги ва барқарорлигига кўра турлича бўлади. Шундай одамлар борки, уларда қўзғалиш тез юзага келади, кучли ва барқарор бўлади ва унга тескари қўзғалувчанлика эга

⁴⁵ <http://ziyonet.uz/>

бўлган кишилар ҳам бор. Бу ҳолатлар айниқса, ҳис-туйгулар юзага келаётган ихтиёrsиз ҳолатларда яққол намоён бўлади. Ташқи жиҳатдан қўзғалувчанлик юз тузилиши, мимика, пантомимика, турли хатти-ҳаракатларда намоён бўлади. Бу ҳолатлар диққат, ирода, нутқ тезлигига ҳам ўз ифодасини топади.

“Темперамент инсон психикасининг индивидуал хусусиятларидан бири бўлиб инсон психик фаолиятининг динамикасини белгилаб беради. Аммо психик фаолият динамикаси фақат темпераментга боғлиқ бўлмай, мотивларга ва психик ҳолатларга ҳам боғлиқдир. Темпераментнинг хусусиятлари деганда бир инсон психик фаолияти динамикасини боғловчи психикасининг барқарор индивидуал хусусиятларини тушунамиз. Бу хусусиятлар турли мазмундаги фаолиятларда мотивларда ва мақсадларга нисбатан ўзгармайди ҳамда тамперамент типининг характерловчи структурасини ҳосил қиласди. Демак, психиканинг индивидуал жиҳатдан ўзига хос, табиий жиҳатдан шартлашган динамик кўринишлари мажмуи кишининг темпераменти деб аталади.”⁴⁶

Темперамент ҳақида таълимот илк бора юонон табиби Гиппократ (эрамиздан аввалги 460-356 йиллар) томонидан яратилган бўлиб, унинг таълимотига асосан «темперамент» тушунчаси пайдо бўлади ва темперамент турларининг номлари сақланиб қолди. Темперамент турларининг батафсил психологик тавсифи қуидагилардан иборат:⁴⁷

1. Сангвиник - бу типдаги темпераментга эга бўлган шахс одамлар серхаракат тез таъсирланувчи бўладилар, бирор фаолиятга ва ғайрат билан киришиб, тез совиб кетишлари ҳам мумкин (лотинча - қон қисмларининг зарурий нисбати). Юқори реактивлик, бесабаб ҳаҳолаб кулиши мумкин, арзимаган нарса қаттиқ жаҳлни чиқариши кузатилади. Унинг юзидан кайфиятини билиши мумкин. Диққатни тез тўплайди, жуда ҳаракатчан, фаол,

⁴⁶ <http://ziyonet.uz/>

⁴⁷ Umumiy psixologiya M.V.Voxidov. Toshkent 1992 yil.

узоқ вақт ишлаб чарчамаслиги мүмкін, тартибли-интизомли. Одамлар билан жуда тез киришади, ҳолатга тез күникади.

2. Холерик - бу темпераментта эга бўлган киши, тез ғайратли ишга эҳтирос билан киришадиган, лекин мувозанатсиз, тез жаҳли чиқадиган одам (лотинча холе – ўт). Пастсензитивлик, юқори реактивлик ва фаоллик. Реактивлик фаолликдан юқори. Шунинг учун кутилмагандан портловчан, қизиққон, бетоқат. Тез қўзғалувчан, у мимика жестларида ифодаланади. Қатъий, тез инсонларга нисбатан интилувчан.

3. Флегматик - темпераментта эга бўлган одам осойишта, ўзини оғир вазмин тутади, барқарор кайфиятли одам (юнонча рҳелагма – боғлам). Кучсиз эмоционаллик, кулдириш, жаҳлини чиқариш, хафа қилиш қийин. Ҳаракатлари ифодасиз, ишchan, фаоллик реактивликдан устувор. Бир ишдан иккинчи ишга секин ўтади. Янги иш вазиятга секин күникади.

4. Меланхолик - бу темпераментта эга шахс кайфиятли ҳаракатлари секин, чуқур ҳамда барқарор эмоционал қўзғалувчанлик ва кам нерв психик активлик билан характерланади. Меланхолик темпераменти камҳаракат, камгап, ҳиссиёти чуқур ва барқарор бўлса ҳам ҳиссиёти жиҳатдан яхши ифодаланадиган кишилар бўлади. Улар бошлаган ишларини охиригача етказадилар (юнон мелаине холе).

Темперамент бир гурух хусусиятларни ўзида бирлаштиради. Ҳар бир инсонда бир неча темпераментнинг ўзига хос тақрорланмас хусусиятлари мавжуд. Бир инсонда бир неча темперамент хусусиятларини кўриш мумкин. Масалан, холерикда флегматик ва меланхолик хусусиятлари, сангвиникда холерик ва флегматик хусусиятлари намоён бўлади. Лекин бир характер хусусиятларининг устворлиги асосида одамни у ёки бу типига киритиш мумкин. Темперамент хусусиятлари ҳам ташқи таъсир, ҳаёт жараёнида, тарбия таъсирида ўзгариши мумкин. Ҳар бир темпераментда ижобий ва салбий хусусиятлар мавжуд. Ижобийларини ривожлантириш, салбийларини эса бошқариш лозим. Ривожлантиришнинг биринчи йўли темперамент

хусусиятига хос фаолиятни танлаш. Иккинчи йўли қўйиладиган талабларни индивидуаллаштиришдир.

Кишининг характеристери кўп қирралидир, лекин характеристернинг айрим хислатларини бир биридан ажратиб олиб алоҳида ўрганиш, айниқса, бу хислатларнинг бирини иккинчисига қарама-қарши қўйиш мумкин эмас, чунки улар ўзаро мустахкам боғлангандир. Кишининг характеристида одатда, аввало шахс хулқининг ҳамма томонларида из қолдирадиган баъзи бир хилма-хил тартибда бирга қўшилиб келадиган умумий хислатлар ажралиб туради. Характернинг мукаммаллиги, қатъийлиги, барқарорлиги ва кучлилиги бундай хислатлар қаторига тегишлидир. Масалан: Характернинг жуда кучли бўлиши билан биргаликда унинг бир томонлама ва тор эканлигини ёки етарлича барқарор бўлмаган тўлиқлигини ҳам учратиш мумкин. Узоқ вақт давомида ”Характер киши организмининг анатомик-физиологик хусусиятлари: гавда тизимининг хусусияти қоннинг кимёвий таркиби, қон томирларининг тузилиши ва бошқалари билан белгиланади”. деб хисоблаш қабул қилинган эди. Ҳар бир тарихий давр ва ундаги кишиларнинг ижтимоий гуруҳлари фақат шу кишиларгагина хос бўлган характер хислатларини вужудга келтиради.

Айрим киши характеристидаги типик хусусият- бу бир қанча вақт давомида унинг хулқини ифодалаб беради. Аммо барқарорлик характер хислатларнинг ўзгармаслигидан далолат бермайди. Масалан: Бола ўсмирлик ёшига қадам қўйиши билан унда янги ҳаётий муносабатлар пайдо бўлади. Шубҳасиз бу унинг характеристида из қолдиради. Янги типик хусусиятларнинг шаклланишига тасир қиласи. Бунда кўпинча эски хусусиятлар унинг характеристи учун типик бўлмай қолади. Ўқувчининг бошқа мактаб коллективига ўтиши унинг қиёфасида характеристернинг янги хислатлари пайдо бўлишига олиб келиш каби ҳолатлари тез-тез учраб туради.

2.2 Инсон характерининг шаклланишида

Психолингвистиканинг ўрни

Фан тараққиётининг қай бир соҳасига назар ташламайлик, унинг ё тадқиқот марказида ёки таг замирида инсон туради. Тадқиқотларда қанчалик янгича усуллар, янгича назариялар тадбиқ этилмасин, уларнинг бошқа соҳалар билан узвий боғлиқлиги сақланиб қолаверади. Албатта, тилшунослик “инсон” тушунчасига боғлиқ барча фанлар билан алоқадордир. Ушбу магистрлик ишида характер-хусусият характерини ифодалайдиган сифатлар бирламчи, тил нуқтаи-назаридан таҳлил қилинса, инсоннинг характери эса психологик жиҳатдан ёндашишни талаб этади. Фанларнинг бир-бирини мунтазам равишда боғланиб бориши эса янги фан доираларининг шаклланишига хизмат қиласи. Шу жиҳатдан магистрлик ишининг иккинчи бобини Лингвистика ва Психологиянинг марказида шаклланган Психолингвистика фани нуқтаи-назаридан таҳлил қилишни лозим топдик. Аввало ушбу фаннинг қисқача келиб чиқиши тарихи, аҳамияти, мақсад ва вазифаларига тўхталиб ўтамиз.

“Бизга маълумки, Психология фанининг обекти ҳам субекти ҳам шахс ва ундаги ўзига хос психологик хусусиятлардан иборатдир. Бироқ ҳар қандай шахснинг индивидуал хусусиятлари, асосан унинг атрофдагиларга бўлган муносабатида, фаолиятида намоён бўлади. Бундай воситалар вербал ва новербал воситалар орқали юзага чиқади. Шундай экан, инсон муносабати унинг нутқи, жест, кинетик воситалар ёрдамида юзага чиқишини ҳисобга олиб, илмий психология муаммолари қаторига Лингвистика соҳаси билан боғлиқ бўлган муаммоларни ҳам қўшиш керак деган фикрни айтиш мумкин.”⁴⁸ Ҳар иккала фаннинг ҳам тадқиқот обекти битта бўлгани боис масалага икки фан нуқтаи-назаридан ёндашиш кўпгина муаммоларни ҳал қилишга ёрдам беради. Бундан ташқари бугунги кунда барча фанларда

⁴⁸ Karimova V.M. «Ijtimoiy psixologiya asoslari». -T., 1994 yil

фаннынг ютуғи сифатида янги йұналишлар, соҳаларнинг пайдо бўлиши жадал тус олмоқда.

Психология ва Лингвистика фанларида ҳам бир қатор янги йұналишлар пайдо бўлмоқда. Тилшуносликка оид масалаларда психологик масалаларни ҳисобга олиб, ёки аксинча, психологик масалалар қаторида лингвистикага оид тушунчаларни ҳам ҳисобга олиш муаммонинг негизини янада очиб беради.

Шу ўринда бир савол туғилиши табиий. Тилга оид масалалар Тилшуносликда ўз ечимини топиб бўлган даврда, инсон психологияси соҳасида етарлича изланишлар амалга оширилган бир жараёнда Психолингвистика соҳасининг пайдо бўлишига нима сабаб бўлдиқ Бунинг асосий сабаблардан бири бу тил тизими ва инсоннинг фаолиятини ҳар томонлама тадқиқ қилиш, уларга хос ҳодисаларнинг белги хусусиятларини батафсил ёритиш учун Тилшуносликнинг турли соҳаларини бириктирадиган, уларнинг барчаси учун таянч нуқтасини ўтайдиган умумлашган таҳлил тизимини топиш лозимлиги олимлар томонидан кўп таъкидланди. Тил ҳодисаларига асосли ва айни пайтда, холисона изоҳ бериш имконини яратадиган бундай таҳлил услуби тизимини излаш ҳозиргача давом этмоқда. Ушбу таҳлил тизимини таъминловчи “таянч” ғояни топиш фан ривожи учун муҳим эди. Айнан мана шу таянчни тилшунос олимлар Когнитологиядан (согнитиве сиенсе-тафаккур ҳақидаги фан) топишиди. Ҳали XIX аср охирларидаёқ тилшуносликнинг Психологик ва Социологик рухда бўлишини қайд қилган Бодуен де Куртене “Тилда ижтимоий ва руҳий факторлар ҳаракатда бўлиши сабабли, тилшунослик учун ёрдамчи фан сифатида дастлабки ўринда Психологияни ва сўнг инсонларнинг жамиятдаги мулоқот муносабатлари ҳақидаги фан –Сотсиологияни танлаймиз” деб ёзган эди⁴⁹. Албатта фанлар ўртасида боғлиқлик ҳақида гап кетганда уларнинг бирини иккинчисига сифатида қараш унчалик тўғри бўлмаслиги мумкин, лекин бу

⁴⁹ Сафаров Ш. Когнитив Тилшунослин. 2006, 9-6

фанни тадқиқ этиш жараёнида ўз исботини топиб боради. Тилшунослик, Психология, Сотсиология, Маданиятшунослик каби соҳалар ҳамкорлиги когнитив фаолият асосида воқеаланувчи ҳодисадир. Шу каби сабаб оқибатлар оқимида 1956 йилда Когнитология фанининг юзага келиши Психолингвистиканинг пайдо бўлишига замин ҳозирлаган эди. Тил тизимини ва нутқий фаолият қурилишини шу пайтгача филологик нуқтаи-назардан таҳлил қилиб келган Тилшуносликнинг доираси эндиликда идрок этиш, билиш, тушуниш, таҳлил қилиш фаолиятларига оид тушунча ва категориялар билан кенгайди. Натижада, Тилшуносликнинг Мантиқ, Психология, Билиш назарияси каби когнитив фан соҳалари билан ҳамкорликка эҳтиёжи янада кучайди.

Лекин Психолингвистикага Психология ва Лингвистиканинг бир қисми сифатида қараш тўғри эмас. У алоҳида яхлит фан бўлиб, тил ва унинг психологик феномени бўлиб Тилшунослик ва Психология предметининг мустақил фан соҳасини белгилаб беради.⁵⁰

Шу ўринда тилни система эканлигини айтиб ўтиш лозим. Ушбу хусусияти билан инсонлар ўртасида коммуникатив вазифа бажаради. Тилга хос бундай вазифа билан боғлиқ муаммоларни биргина фан нуқтаи-назаридан ўрганиб бўлмайди. Шу сабабли Психолингвистика фани шаклланди. Ушбу янги фан ҳақидаги дастлабки тушунчалар ва назарияларни мутахассислар фикрисиз изоҳлаб бўлмайди. Ушбу фаннинг мутахассиси ҳар иккала фанни чуқур билиши билан характерланади, Шу каби психолингвистлар А.А.Леонтен, Л.В.Шерба, Н.И.Жинкин, Т.А ван Дейк, Э.Ф.Тарасовлардир., „Психолингвистика фанининг тадқиқот обекти нутқий ҳодисалар ёки нутқий ҳолатларнинг барчаси“⁵¹ ни ташкил қилиши алоҳида айтиб ўтилади. Шунинг учун ҳам бу каби масалалар икки фан доирасида тадқиқ этилиши лозим.

⁵⁰ „Психология“ илмий журнал. 2015.18.02, 2-сон. 160-бет

⁵¹ Леонтьев А.А. Психолингвистика. – Л.: Наука, 1967. – С. 45-46

Маълумки, Тилшунослик фанига тааллуқли бўлган экспериментлар усулини Психолингвистикада қўллаш технологиясини Л.В.Шерба ишлаб чиқкан. Чунки у биринчи бўлиб, Психологизм ғоясини илгари сурган олимлардан бири.

Энди эса Когнитив лингвистика асосида пайдо бўлган Психолингвистиканинг келиб чиқиши тарихига айрим терминлар, фактлар ва саналар орқали назар ташлаймиз. Тил психологияси термини Психолингвистикага синоним сифатида кенг тарқалган.

Психолингвистика фани - нутқнинг ҳосил бўлиши, шунингдек нутқни идрок этиш ва шакллантириш жараёнларини, уларни тил тизими билан ўзаро боғланиш ҳолатини ўрганувчи соҳадир. Психолингвистика фани Психология ва Лингвистиканинг ўзаро синтезидан пайдо бўлган чегарадош фан саналади. Психолингвистика инсон нутқий фаолиятининг моделини ва психофизиологик шаклланишини ишлаб чиқкан ҳолда уларни турли хил экспериментлар йўли билан текширади. Тақиқотларининг манбаи бўйича Тилшуносликка яқин бўлган Психолингвистика ўзининг текшириш усуллари бўйича психологияга яқин туради. Психолингвистикада ўзаро боғланишли эксперимент, семантис дифференциал каби бир қанча бошқа экспериментал усуллар қўлланади. Бундан ташқари Психолингвистика бир қанча амалий масалалар мактаб ёшида бўлган болалар нутқий тарбияси, хорижий тилларни ўрганиш, она тили, логопедия масалалари, миядаги турли нутқий марказий касалликлар клиникаси, нутқий таъсир кўрсатиш муаммолари (хусусан оммавий-ахборот воситалари фаолиятида ва тарғибот ишларида); суд психологияси ва криминалистика (спиртли ичимлик истеъмол қилган кишиларни нутқига қараб аниқлаш), машина таржимаси ҳамда нутқий ахборотни ЭҲМга киритиш каби бир қатор муаммоларни назарий жиҳатдан тушунтириш зарурати туфайли ўтган асрнинг 60-йилларида пайдо бўлган. Психолингвистика термини американлик олимлар томонидан ўтган асрнинг 60-йилларида амалиётга киритилган бўлсада Ўзбекистонда бу соҳадагаи илмий изланишларнинг бугунги қунга келиб аҳамияти ортмоқда.

Бугунги кунга келиб Антрополингвистика жаҳон тилшунослари томонидан тилшуносликнинг янги даври деб баҳоланмоқда ва у лингвистик семантика, прагмалингвистика, когнитолингвистика, психолингвистика сингари тилнинг ички тузилишини сўзловчи ва тингловчи шахс билан боғлаб ўрганувчи йўналишларни ўз ичига олиши эътироф этилмоқда. Мустақиллик шароитида ўзбек тилшуносларининг диққат-эътибори структур тилшунослик билан бирга психолингвистика йўналишларига қаратилганлиги таҳсинга лойиқдир.⁵²

Маълумки тил бу – инсон онгининг намоён бўлишидир. Инсон онги эса табиат ўзининг кўп асрлар давомидаги тараққиёти натижасида юзага келтирилган олий маҳсулидир. Бу жиҳатдан тилни онгининг ва онгимиз орқали дилимизнинг ифодаси сифатида борликдаги бошқа ҳеч бир нарса, воқеа, ҳодиса, жараёнлар ва босқичлар билан қиёслаб бўлмайди. Аммо ҳар бир ижтимоий ҳодиса ва воқеа сингари, тил ҳам турли қарашлар, нуқтаи назарлар қураши жараёнида такомиллашиб боради.

«Тил билан тафаккур бир-бирини тақозо этадиган ажралмас ҳодисадир. Тилсиз тафаккур бўлмаганидек, тил ҳам тафаккурсиз бўлмайди»⁵³. Тафаккур инсон руҳий ҳаётининг, ақл-идрокининг, онгли хатти-ҳаракатларининг юксак шакли бўлиб предметларни, воқеа-ҳодисаларни билиш воситаси ҳамда инсон шахсининг кенг кўламли фаолиятини рўёбга чиқаришнинг асосий шарти ҳисобланади. Тафаккур жараёнида инсонда фикр, мулоҳаза, ғоя, фараз кабилар вужудга келади ва улар онгда тушунчалар, хукмлар, хулосалар шаклида ифодаланади.

Тил имконият тарзида инсон онгидаги хазина сифатида яшайди. Нутқ эса ўша имкониятнинг юзага чиқишидир. Бошқача айтганда: «бир-бирини шартловчи, бир-бирига боғлиқ бо‘лган «тил – тил қобилияти – нутқ»

⁵² Нурмонов А., Мадвалиев А., Маҳкамов Н. Мустақиллик даврида ўзбек тилшунослиги тараққиёти // Ўзбек тили ва адабиёти журнали, - №3, 2011. -Б. 5.

⁵³ Содиков А., Абдуазизов А., Ирискулов М. Тилшуносликка кириш. – Тошкент: Ўқитувчи, 1981, 20-бет

занжирида фақат нутқина ташқи (моддий) формада (оғзаки, ёзма, турли шартли белгилар воситасида) намоён бўлади».⁵⁴

Инсонлараро кундалик алоқаларни нутқий мулоқотсиз тасаввур этиб бўлмайди. Ўзаро мулоқот жараёнида инсон лисоний шахс сифатида ўзини намоён қиласди. Мулоқот жараёнида тилдаги лингвостилистик воситалардан ўринли фойдаланган ҳолда лисоний шахснинг ўз фикрларини ифодалаш имкониятига эгалиги, шунингдек, мулоқот жараёни юзага келиши учун талаб қилинадиган нутқий вазият, мулоқот кечеётган мухит, ўз коммуникатив мақсади, нутқ қаратилган шахсга хос хусусиятлар ва унга бўлган муносабатини эътиборга олган ҳолда алоқага кириша олиши уни бошқалардан фарқлаб туради.

Шахснинг руҳий ҳолати, унинг ўзгалар билан турли мулоқотга киришишида ҳар хил ҳис-туйғуларининг юзага чиқиши инсоннинг кимлигини ифодалайди. Улар воситасида инсоннинг моддий, маданий, маънавий жиҳатлари акс этади. Воқеълик фактларидан кучли таъсиrlаниш туфайли, эмоционал зўриқиши ҳолатида сўз танлаш ва қўллашда сусайиш кузатилади. Бундай ҳолатда муносабат ифодалашда қўлланувчи, баъзан адабий тил меъёрига тўғри келмайдиган сўзлар ҳам қўлланиши мумкин. «Бугунги кунда замонавий фанда «муомала»нинг юздан ортиқ тушунчалари мавжуд. Натижада инсоний муомала турлича тушунила бошланиб, турли хил тавсифланади:

а) ижтимоий муносабатлар сифатида; б) алоқа ва ўзаро таъсир сифатида; в) икки ёки ундан ортиқ индивиднинг маънавий алоқаси сифатида; д) фаолият сифатида. Шу маънода баъзи бир мулоҳазаларга кўра қуидагини тавсия этиш мумкин: «Муомала – бу инсонлар ўртасидаги алоқаларнинг пайдо бўлиши ва ривожланиши ҳамда уларнинг ҳаёт фаолиятидаги эҳтиёжнинг мураккаб жараёни бўлиб, ўзга кишилар билан маълумот алмасиш, уларни тушуниш ва идрок этишнинг ҳамкорликдаги

⁵⁴ Нематов Ҳ., Бозоров О. Тил ва нутқ. – Тошкент:Ўқитувчи, 1993. 9-бет.

стратегиясидир». Бу муаммонинг обекти – идеал руҳий воқелиқдир. Бу ерда гап инсон тафаккурининг ақлий, ҳиссий ва ихтиёрий пайдо бўлиши ҳамда унинг рухиятини онгости жараёнларида юзага келиши ҳақида кетаяпти. Унинг предмети эса инсонларнинг муомаласи ва фаолиятининг руҳий, ахлоқий тарафи ҳамда турли ҳил вазифада фаолият юритувчи инсонлар гурухининг ўзига хос руҳий жараёнлари ҳисобланади».⁵⁵

Ўз- ўзига баҳо бериш шахснинг ўзи томонидан амалга оширилади. Бу шахснинг психомотив жиҳатдан ўзи томонидан ўз имкониятларига, фазилатларига, руҳий ҳолати, атрофдагилар билан бўлган муносабатларига, хатти-ҳаракатларига ва маълум бир даражада эгаллаб турган ўз ўрнига баҳо берилишидир. Ўз-ўзини баҳолаш инсон рухиятидан баҳс юритувчи психология фанининг ҳам марказий тушунчаларидан ҳисобланади. Бу шахснинг ўзини англаб етишининг мазкур фанда анча долзарб ҳисобланган ва энг кўп тадқиқ этилган жиҳати ҳисобланади. Психологик нуқтаи назардан ўзига ўзи баҳо бериш орқали шахснинг хулқ–авори тўғриланиб, жамиятда белгилаб қўйилган тартибга солиб турилади.

Маълумки, психологияда кишининг психомотив хусусиятини кўрсатувчи ўзига ўзи берадиган баҳони, унинг микдорий ва сифат тарифини белгилашнинг кўпчилик томонидан тан олинган ўз-ўзини текшириш тестлари, ўз-ўзини кузатиш, кундалик юритиш каби бир қатор экспериментал усуллари мавжуд. Мазкур ишларнинг амалга ошиши эса бевосита тилга бориб боғланади.

Психология илмида тан олинган учта кўрсаткич – ўзига ўзи баҳо бериш, кутилган баҳо, маълум бир жамоанинг алоҳида бир шахсга берган баҳоси – шахснинг тузилишига киради ва бу шахснинг истагига боғлиқ бўлмаган ҳолда у ўзининг фаолияти натижасида келиб чиқадиган гуруҳдаги кайфиятини, ўзининг коммуникатив мақсадига йетиши учун қилган хатти-ҳаракатлари натижалари прагматик самарасини ўзига ва у билан боғлиқ бўлган, муносабатга киришувчи кишиларнинг унга нисбатан нуқтаи

⁵⁵ Хусанов Б, Фуломов В. Муомала маданияти. -Тошкент, 2007. -Б.9-10

назарларини белгилайдиган субъектив воситаларни эътиборга олиши зарур бўлади.

Коммуникатсия жараёнида шахснинг фазилатлари ва ўзига хос хусусиятлари унинг тилдаги мавжуд бирликлардан фойдаланишига, уларни нутқ жараёнида воқелантиришида маълум даражада акс этади

Психолингвистика нуқтаи назаридан психологияда ажратилган шахс типлари қарама-қарши қўйилади ва мос келувчи шахсларнинг лисоний ва нутқий имкониятлари намоён бўлиши ўрганилади. Шундай экан бу каби кузатишларнинг барчаси Психолингвистиканинг нафақат инсон тафаккури, нерв системаси, балки унинг характер-хусусиятига ҳам ўз таъсирини ўтказмасдан қолмаслигини кўрсатади.

Биргина мисол: нутқий ва психологик жиҳатдан яхши шаклланган бола ва бироз нуқсонларга эга бўлган боланинг характер-хусусиятини бир-бирига таққослашнинг ўзи йетарлидир. Ўз-ўзига ишонч, лаёқат, иродада ва умидсизлик, ёлғизлик, тажанглик каби хусусиятларнинг конфликти асосини Психолингвистика ва унинг инсон ҳаётига бўлган таъсири ташкил этади.⁵⁶ Психолингвистиканинг Невролингвистика билан узвий боғлиқлиги ҳам бизнинг нерв системамида ҳосил бўлувчи фикр ва қарашларнинг тил орқали баёнида ҳам Психолингвистиканинг ҳам ўрни катта. Негаки биз кўпинча ўз ҳиссиётларимиз ва ҳолатимиздан келиб чиқсан ҳолда атрофдагиларга турлича муносабатда бўламиз. Айни шу муносабат бизнинг атрофдагилар учун типик бўлган характеримизни шакллантиради. Инсоннинг хатти-харакатига нисбатан унинг фикрлаши ва нутқий мулоқоти кўпинча характерни яққол намоён этади. Бунда инсон турли вазиятда турлича характер эгаси бўлиши мумкин деган фикрга келиш ноўрин. Негаки инсон қанчалик оғир шароитда бўлмасин атрофдагиларга йиллар мобайнида орттирган тажрибасидан келиб чиқиб муносабатда бўлади. Яъни унинг учун мавжуд вазиятдан кўра атрофдагиларнинг у ҳақидаги фикри муҳим аҳамиятга эга. Инсоннинг айнан қийин ёки тез қарор қабул қилиш лозим

⁵⁶ Umumiy psixologiya. A.B.Petrovskiy “Toshkent-O’qituvchi” -1992 yil.

бўлган вазиятдаги бажарган хатти-ҳаракати унинг характерини белгилайди. Бундан келиб чиқиб хулоса қилиш мумкинки, инсоннинг мураккаб биологик ва фикр юритувчи онгли тириклик экан, ўз тадқиқот марказига ўрганиш обекти қилиб инсонни танлаган ҳар бир соҳа унинг камолотига хизмат қиласди.

II боб учун хулоса

Диссертациянинг илмий мохияти инсон характерини ифодаловчи лексемаларни ўрганишдан иборат экан ўз-ўзидан олиб бораётган тадқиқотимизга ижтимоий жиҳатдан ёндашишни талаб этади. Шундан келиб чиқсан ҳолда диссертациянинг иккинчи бобида инсон характерини психологик жиҳатдан ўрганилиши, темпераментини очиб беришни мақсад қилдик,

Маълумки Психологияда характер деганда ҳар бир шахс учун типик хисобланган фаолият усулларида номоён бўладиган, типик шароитларда юзага чиқадиган ва шахснинг бу шароитларга муносабати билан белгиланадиган индивидуал психик хусусиятлар йифиндиси тушунилади. Ижтимоий жиҳатдан эса жамият аъзоси бўлган кишининг воқеиликка бўлган муносабатида вужудга келадиган ва унинг хулқ-автори ҳамда хатти-ҳаракатида таъсир қолдирадиган мухим, барқарор психик хусусиятларнинг мажмуи характер дейилади.

Бундан ташқари инсоннинг характери туғма бўлмасдан йиллар давомида типиклашиб борар экан унга атроф мұхит, йиллар мобайнидаги коммуникатив алоқалар ўз таъсирини ўтказмай қолмайди. Шундан келиб чиқиб, ушбу бобда таниқли файласуфлар, ёзувчи ва олимларнинг ҳаётий қарашлари, инсоннинг характери ҳақидаги афоризмларни ҳам киритиб ўтдик.

Инсон характерини Лингвистика ва Психологиянинг марказида шаклланган Психолингвистика фани нұқтаи-назаридан ҳам таҳлил қилишни лозим топдик.

III БОБ ИНСОН ХАРАКТЕРИНИ ИФОДАЛОВЧИ СИФАТЛАРНИНГ ПАРАДИГМАТИК ВА СИНТАГМАТИК МУНОСАБАТЛАРДА АКС ЭТИШИ

3.1 Парадигматик ва синтагматик муносабатлар тушунчаси

Тил системаси – бу лингвистик бирликлар ва уларнинг жамият талабига – коммуникатив жараёнга мос ҳолда ўзаро боғланиши, мантиқий муносабатга киришиши учун хизмат қиласидаги муносабатлар таркибидаги моддий коммуникатив бирликлар муайян қоидалар асосида ўзаро зарурый алоқага, муносабатга киришади, муайян гурухларни тузади ва нутқ бирликларини яратади. Бу алоқа муносабатлар обектив, ижтимоий бўлиб, икки йўналишда парадигматис ва синтагматик боғланишларда кузатилади. Аниқроғи тил бирликлари орасидаги боғланиш парадигматик ва синтагматик муносабатни ҳосил қиласиди. Тил системаси фаолияти, амалиёти, ҳаракати, мавжудлиги айнан мана шу парадигматис ва синтагматик муносабатлар сосида юз беради. Парадигматик ва синтагматик муносабат тушунчалари илк бор Фердинанд де Соссур томонидан Тилшуносликка киритилган.

“Парадигматика тил бирликларини тил системасининг элементлари сифатида ва структурал бирликларнинг жами сифатида текшириш аспекти ҳисобланади.”⁵⁷ Яъни парадигматикада тил системасининг структурал бирликлари муайян парадигмаларга бирлашиб, ўзаро бир-бири билан таққосланишига, қиёсланишига кўра характерланади. Демак парадигматика айни пайтда парадигмалар системасидир. Парадигмалар системаси эса айтиб ўтганимиздек, тил бирликларига, уларнинг умумий ва хусусий маъноларига кўра, – улар асосида ташкил топган парадигмалар ўзаро мантиқий муносабатга киришган қатор тил бирликларининг умумий маъноларига кўра бирлашиб, хусусий маъноларига кўра эса фарқланади. Масалан: отларнинг келишик билан турланиши ҳамда Грамматик сон ва эгалик шакллари парадигмаси, феълларнинг шахс-сонда тусланиш парадигмаси в.б

⁵⁷ Agricola. Wort und Wendung. – Leipzig, 1972

Демак парадигма ҳосил қилган айни бирликлар лексик (умумий) маъносига кўра бир хил, Грамматик (хусусий) маъносига кўра фарқланиши билан ўзига хосдир. Шунингдек парадигмалар системаси кўпинча тик (вертикал) жойлашиши билан ҳам ажralиб туради. Айтиш мумкинки, муайян парадигмага бирлашувчи тил бирликларининг ўзаро муносабати парадигматик муносабат сифатида намоён бўлади.

Тил ва нутқ дихотомиясига кўра парадигматика – парадигматик муносабат тушунчаси тил ва тил имконияти билан боғланади. Чунки парадигматик муносабат бирликлари ҳам аслида имконият сифатида нутқданутқ бирликларида воқелашибади, нутқ учун зарурий ашё, зарурий материал вазифасини ўтайди. Бу жараён нутққача бўлган жараён ҳисобланади. Шунга кўра улар синтагматик муносабатдан фарқланади, улар каби бевосита руҳий-фикарий таъсир қилиш қувватига, коммуникатив алоқа имконига эга бўлмайди ва умумийлик сифатида намоён бўлади.

Парадигматик муносабат тушунчаси кенг бўлиб, лисоний бирликларнинг, масалан, сўзларнинг муайян боғланишларини синонимлар (кулмоқ, жилмаймоқ, табассум қилмоқ; озмоқ, ориқламоқ, юбормоқ, жўнатмоқ); тематик гуруҳлар (арик, канал, дарё, денгиз, океан), сўз туркumlари (от, сифат, феъл, олмош, равиш, сон); антонимлар (тор-кенг, кунтун, қаттиқ-юмшоқ, оқ-қора, яхши-ёмон, ёш-қари) кабиларни ҳам ўз ичига олади. Демак, парадигматик муносабатлар лисоний бирликларнинг ўхаш, умумий белги хусусиятларига кўра боғланган, бирлашган гуруҳли системасидир. Улар тил бирликлари орасидаги ўхашлилик ва фарқланишга асосланади. Парадигматик муносабат тил бирликларининг нутққача бўлган муносабати сифатида тил ҳодисаси бўлиб, Тилшунослиқда ассоциатив муносабат, ассоциатив алоқа номи билан ҳам юритилади. Парадигматик муносабатни ташкил этувчи тил бирликларининг миқдори чегараланмаган, нисбатан ноаниқ, давомийдир. Шунингдек парадигматик муносабатдаги бирликлар ўзаро ҳоким-тобелик алоқасига кириша олмайди. Улар муайян

умумий белги асосида боғланган алоҳида тенг хуқуқли мустақил бирликлар – парадигма бирликлари сифатида парадигматик муносабатни ҳосил қиласди.

Энди шу нуқтаи-назардан синтагматик муносабат ҳақида фикр юритамиз.

Тил системаси, унинг бирликлари ва қоидалари парадигматика-парадигматик муносабат бирликлари, парадигма аъзолари ҳодисаси, тил факти сифатида ўзининг таъсир кучини, ҳаракатини, ижтимоий-амалий фаоллигини ва коммуникатив вазифасини синтагматик муносабатда намоён қиласди. Чунки парадигматик муносабат бирликлари ижтимоий амалиёт натижаси, факт ҳодисаси сифатида синтагматик муносабат орқалигина тил бирликларининг валентлик муносабатига киришуви семантик - синтактик боғланишига кўра амалга ошади. Демак синтагматик муносабат нутқ жараёни билан боғланган нутқ ҳодисаси, нутқ факти ҳисобланади. Негаки нутқ фаолияти коммуникатив фаолиятдир. қолаверса, фикр алмашиш жараёни, тил системасининг нопарадигматик муносабати бирликларининг жамиятдаги фаоллиги ҳаракатидир.

Нутқ ҳодисаси, нутқ факти бўлган синтагматика, синтагматик муносабат тушунчалари ўзига хос хусусиятлари, муайян шахсий жиҳатлари билан ажralиб туради. Синтагматика тил системаси бирликларининг нутқ фаолиятида муайян тартибда, кетма-кетликда жойлашиши, ўзаро мантиқий муносабатга киришишидир. Яъни бунда тил системаси бирликларининг фаоллашиши, нутқнинг аниқ бирлигига айланиши синтагматика, синтагматик муносабат туфайли юз беради. Бундан мантиқий равища парадигматика ва синтагматика билан боғлиқлиги келиб чиқади. Айтиш мумкинки, синтагматика парадигматиканинг мавжудлик ва намоён бўлиш шаклидир. Синтагматика тил бирликларининг нутқ жараёнида ўзаро боғланган ҳолда қўлланишини текширади. Лисоний бирликларининг – масалан, сўзларнинг нутқ фаолиятида кетма-кет келиши, муайян тартибда жойлашиши синтагматика сифатида намоён бўлади. Синтагматикада лисоний бирликлар орасидаги муносабатлар аниқлиги ва изчиллиги билан

ажралиб туради. Қиёслаймиз: Мен истиқлол туфайли гуллаб яшнаётган Ватаннинг фарзандиман. Кўриниб турибдики, нутқ фаолияти муайян ётиқ чизиқقا жойлашиб, муайян тартибда, мантиқий кетма-кетликда келган бирликлар орасидаги муносабатлар синтагматик муносабатларни ҳосил қилмоқда. Синтагматик муносабатлар инсонга яққол таъсир қилиши ва лисоний сезги уйғотиши билан ҳам ўзига хосдир. Синтагматик муносабатлар нутқ фаолиятидаги бирликлар алоқаси, муносабати сифатида, парадигматик муносабат бирликларидан фарқли, бир гурух бирликлар орасида ҳам, шунингдек, турли гурух бирликлари орасида ҳам мавжуд бўлиши мумкин.

Масалан: Бугун устоз ва мураббийлар куни. Ушбу бирликларнинг ҳар бири тегишли бўлган гуруҳлар парадигматиканинг вакили ҳисобланади. Демак, синтагматикадаги муносабатлар муайян бирликлар (сўзлар) муносабати сифатида эмас, балки гуруҳлар – синфлар муносабати сифатида намоён бўлади. Бундан англашиладики, нутқ бирликлари, нутқий ҳосилалар синтагматик муносабатларнинг намоён бўлишидир. Шундай қилиб, синтагматик муносабат тил бирликларининг нутқдаги-фикр алмасиш жараёнидаги ўзаро мантиқий, зарурий муносабатидир. Бунда у фақат фикр ифодалаш учун хизмат қиласи.

Синтагматик муносабатда лисоний бирликлар, масалан, сўзлар бири иккинчиси билан синтактик муносабатга киришиб, сўз бирикмасини ёки гапни ҳосил қиласи.

Масалан: Миллий ифтихор, Ватан Мустақиллиги, Ўзбекистон мустақил диёр каби

Синтагматик муносабатда лисоний бирликлар муайян тартибда келиб, горизонтал чизиқقا жойлашиши билан ажралиб туради. Шу ўринда айтиш лозимки, синтагматик муносабатда иштирок этувчи ҳар бир лисоний бирлик ўзининг муайян ўрнига (позициясига) эга бўлади. Шунга кўра у тавсифланиши билан ҳам ажралиб туради. Муайян позициядаги бирлик айни вақтда нутқда нуайян вазифага эгалиги билан ҳам муҳимдир.

Юқорида айтилганлардан келиб чиқиб, қатъий хулоса шуки: синтагматик муносабатлар тилнинг бош вазифасини – коммуникатив

вазифасини таъминлайди. Синтагматик муносабатларнинг реаллашишига кўра тил бирликларидан ахборот ташувчи гаплар – нутқ бирликлари, нутқий „асарлар“, ҳосилалар шаклланади, ҳосил бўлади. “Синтагматик муносабатлар шундай муносабатларки, уларга кўра тил алоқа воситаси сифатида хизмат қиласди. Яъни тилнинг коммуникатив вазифаси синтагматик муносабатда намоён бўлади ва шу муносабатга таянади.”⁵⁸ Хуллас парадигматик ва синтагматик муносабатлар ўзаро диалектик боғлиқликда, бир бутун, яхлит ҳолда системалар умумийлиги сифатида тилнинг алоқа қуроли бўлиб хизмат қилишини ва ижтимоий - амалий фаолиятини таъминлайди.

⁵⁸ Wotjak G. Untersuchungen zur Struktur der Bedeutung. Berlin. 1971

3.2. Инсон характерини ифодаловчи сифатларнинг парадигматик хусусиятлари

Биз магистрлик диссертациясининг ушбу қисмida немис тили луғат бойлигидан муҳим ўрин тутган инсон характерини ифодаловчи сифат лексемаларини парадигматик жиҳатдан ўрганиб чиқдик. Сифатларнинг парадигматик хусусиятларини очиб бериш бу нафақат биргина сўз туркуми жиҳатдан, балки тил нуқтаи-назаридан ҳам аҳамиятлидир. Биз немис тилидаги инсон характер-хусусиятини ифодаловчи 1626- та сифат лексемаларини тўплаб, уларни маъно жиҳатдан ижобий (позитив), салбий (негатив) ва нисбий (релативе) гурухларга ажратдик. Ушбу лексемаларнинг 1589-таси charaktereigenschaften.miroso.de сайтидан олинган бўлса, қолган лексемалар немисча-ўзбекча луғатлардан тўпланди. charaktereigenschaften.miroso.de сайтида ушбу лексемалар алифбо тартибида аралаш тарзда, яъни маъно жиҳатдан гурухларга ажратилмаган ҳолда берилган. Тўпланган ушбу сифат лексемаларни ўрганишда биз уларни этимологик, сўз ясалиши ва маъно кўчиш турлари жиҳатдан илмий статистик таҳлил қилишга ҳаракат қилдик.

1. Инсон характерини ифодаловчи сифат лексемаларининг этимологик таҳлили

Аввало шуни таъкидлаб ўтиш жоизки ҳеч бир тил мустақил ҳолда тараққий эта олмайди. Униг ривожланишида ва луғат таркибининг бойиб боришида турли ижтимоий-иқтисодий, маданий-маърифий алоқалар муҳим ўрин тутади. Тилнинг ички имконияти саналмиш шевалар ҳам бу жиҳатдан аҳамиятлидир. Тил таркибининг бойиб боришида бошқа тилдан қанча сўзнинг ўзлашиши эмас, балки бу сўзнинг ушбу тилда қанча вақт хизмат қилишида ва ўз ўрнини сақлаб қолишидадир. charaktereigenschaften.miroso.de сайтидан олинган 1626-та сифат лексемасини этимологик жиҳатдан таҳлил натижаси шуни кўрсатадики, немис тилида инсон характерини ифодаловчи

лексемаларнинг аксарияти лотин, француз, нидерланд, грек, инглиз ва бошқа тиллардан ўзлашган.

Лотин тилидан ўзлашган кўплаб сўзлар бу тилнинг қадимдан таълим тизимида асосий тил бўлганлигидан далолат берса, француз тилидан сўзлар тез суръатларда ривожланаётган мамлакатлар билан маъданий-маърифий алоқаларнинг натижасида немис тили луғатидан жой олган бўлса, қадимда улар халқлар ўртасидаги савдо-сотик алоқаларида ўзаро сўзлашув тили сифатида фойдаланиб кенг тарқалган ва немис тилига ўзлашиб кирган.

Қуйида немис тилига лотин тилидан ўзлашган характер-хусусият ифодаловчи сифат лексемаларини кўриб чиқамиз:

Лотин тилидан немис тилига ўзлашган сифат лексемалари		
<i>Positive Eigenschaften</i>	<i>Negative Eigenschaften</i>	
aktiv- <i>lot.actīvus</i> (16-acp) – фаол	agressiv-	<i>lot.agressivio</i> (16)-
authentisch-lot. <i>āutenta</i> (14)- ҳақиқатгўй	тажовузкор	
flexible– <i>lot.flexibilis</i> (17-acp) кўнгилчан	albern- <i>lot.albern</i> (14)-ахмоқ arrogant – <i>lot.arrogāntum</i> (16) - такаббур	-
direkt-lot.directum (16)- ҳақиқатгўй	brutal- <i>lot.brutal</i> (15)-шафқатсиз	
intelligent- <i>lot.intellegens</i> (18-asr)	chaotisch-lot.chāotish(14)	-
consequent- <i>lot.consequētio</i> (16-asr) қатъиятли	тартибсиз	
kompetent-lot.competente 17-билимли	diabolisch- <i>lot.diabolish</i> (14) -ёвуз	
makellos– <i>lot.macula</i> (14-asr)– нуқсонсиз	idiotisch- <i>lot.idiotum</i> (14) калтафаҳм	
pünktlich- <i>lot.punctum</i> (14-asr) – аниқ, tolerant- <i>lot.tolerantum</i> (14-asr)	kritisches- <i>lot.kriticum</i> (15)-танқидчи	
бағрикенг	knauserig- <i>lot.knauseric</i> (13) – очкўз	
imponierend- <i>lot.imponirendum</i> .(15) мулойим, хушмуомала	latent-lot.latent (16)-сири, шубҳали obszön- lot.obsone (16) - ҳаёсиз sarkastisch- <i>lot.sarkastic</i> (16) - қўпол	

Этимологик таҳлил натижалари шуни кўрсатдики, биз таҳлил этиш учун асос қилиб олган 1626-та сифат лексемаларининг 420-таси лотин тилидан немис тилига ўзлашган. Бу сўзлар турли даврларда, турли кўринишда ўзлашган ва бугунги кунда шакли бироз ўзгарган бўлсада ўз ўрнини сақлаб келмоқда. Немис тили луғат бойлигининг ривожланишида шу тилнинг бошқа тиллар билан алоқаси жуда муҳим рол ўйнайди. Шу нуқтаи назардан немис тили тарихига назр ташласак XII асргача немис тилига фақатгина лотин тили ўз таъсирини ўтказиб келганини қўришимиз мумкин.

Демак, немис тили лексикаси ички манбаалар орқали кенгайиб бориши билан биргаликда, ташки манбаалар асосида ҳам бойиб боради. Бунда лотин, нидерланд, инглиз, француз, грек ва бошқа бир қанча тилларнинг таъсири ниҳоятда катта аҳамиятга эга. Шуни алоҳида таъкидлаб ўтиш лозимки, дунёда бошқа тиллардан сўз олмасдан, фақат ўз ички имкониятлари асосидагина ривожланадиган бирорта ҳам тил йўқ. Бундан ўз навбатида немис тили ҳам мустасно эмас.

XVI-XVII асрдан бошлаб эса немис тилига француз тилидан янги сўзлар кириб кела бошлади.

Француз тилидан немис тилига ўзлашган сифат лексемалари	
<i>Positive Eigenschaften</i>	<i>Negative Eigenschaften</i>
agil- <i>frans.agile</i> ((17-аср) - чаққон	bizarr- <i>frans.bizarre</i> (17)- танти, инжиқ
brav- <i>frans.brave</i> (17) - меҳрибон	bigott- <i>frans.bigote</i> (18)- мунофиқ
elegant- <i>frans.elegant</i> (18) дидли, бекаму кўст	egoistisch- <i>frans.egoisto</i> (17)- худбин-қизғанчик
initiativ- <i>frans.initiative</i> (18)- ғайратли	falsch. <i>frans.false</i> (18)мунофиқ, муғомбир
liberal- <i>frans.liberal</i> (18) - киришимли	naiv- <i>frans.naive</i> (17)- лақма
optimistisch- <i>frans.optimisme</i> (18)- ўзига ишонган	passiv- <i>frans.passivo</i> (18)- сусткаш
	pervers <i>frans.perverus</i> (17)иккиюзламачи

ordinär-frans. <i>ordinaire</i> (17)- содда patriotisch-frans. <i>patriote</i> (16) ватанпарвар	resolut-frans. <i>resolute</i> ⁵⁹ (17) шарттаки schadenfroh-frans. <i>shadenfroe</i> (17)- ичи қора
penibel-frans. <i>penible</i> (18)- тартибли	prüde-frans. <i>prude</i> (16)- ўтакетган расмиятчи
pikant-frans. <i>piquant</i> (17)- дилкаш	extravagant-frans. <i>extravagantum</i> (17)- ғалати
rasant-frans. <i>rasant</i> (19)- чаққон	sensibel-frans. <i>sensible</i> (17) таъсирчан
romantisch-frans. <i>romantique</i> (17) – романтик	
seriös-frans. <i>seriose</i> (17) жиддий	

Иzlанишлар натижаси шуни кўрсатадики, француз тилидан 1200 га яқин сўз немис тилига кириб келган. Биз эса ушбу сўзлардан фақат инсон характерини ифодаловчи сифат лексемаларини таҳлил қилганимизда уларнинг сони 233-тани ташкил қилди.

Кўйида немис тилига грек, грек-лотин, нидерланд, инглиз тилларидан кириб келган инсон характер-хусусиятини ифодаловчи сифат туркумiga оид лексемаларни кўриб чиқамиз.

Грек тилидан
analytisch-мулоҳазали, autonom- эркин, ҳурфикр, despotisch- золим, demokratisch-адолатпарвар, dynamisch- шўх, enthusiastisch- хуичақчақ, ethisch- одобли, euphorisch- хуичақчақ, philanthropisch- саҳоватпеша phlegmatisch- флегматик, pedantisch- эзма

Инглиз тилидан
clever- айёп, humorvoll- ҳазилкаш, kreativ- ижодкор, teamfähig- маҳоратли rau- қўпол, kaltblutig- совуққон, freundlich- дўстона, realistisch- мулоҳазали smart- саранжом, relaxed- хотиржам, pingelig- инжиқ, neckisch- жиззаки

⁵⁹ Duden. Band 5. Das Fremdwörterbuch

1626-та инсон характерини ифодаловчи лексемалардан 65-таси грек, 40-таси грек-лотин, 33-таси инглиз ва 20-таси нидерланд тилидан ўзлашганлигини ҳисобга олсак, ушбу тилларнинг нафақат немис тили луғат бойлигига, балки тилнинг қадимий тарихи ва маданиятида ҳам муҳим аҳамиятга эгалигини гувоҳи бўламиз.

Юқорида келтирилган инсон характерини ифодаловчи лексемалардан кўриш мумкинки, қай тилдан ўзлашган бўлмасин салбий характер-хусусият ифодаловчи лексемаларни ижобий лексемаларга нисбатан кўпроқ учратишимииз мумкин. Яна шуни алоҳида таъкидлаб ўтиш жоизки, ушбу лексемаларнинг кўпчилиги тўғридан-тўғри таржима қилганимизда инсон характерини ифодалаб келмайди. Уларнинг аксариятини кўчма маънода қўллаганимиздагина инсон феъл-авторига хос бўлган маънога эга бўлади.

Инсон характерини ифодаловчи лексемаларнинг аксарияти бошқа тиллардан ўзлашганлигига қарамай 1626-та сифат лексемаларининг 815-тасини соф немис тилидаги лексемалар ташкил қиласди. Бундан кўриниб турибдики немис тили ўзининг қанчалик бой маданияти, тарихи билан бирга ўзига хос луғат бойлигига ҳам эга. Соф немис тилидаги ушбу лексемаларнинг кўриниши этимологик келиб чиқсан шаклидан бироз ўзгарган бўлсада ўз маъносини сақлаб қолган. Тўпланган 1626-та сифат лексемаларини асос қилиб олган ҳолда немис тилига бошқа тиллардан ўзлашган лексемаларни фоиз жиҳатдан қисқача таҳлил қиласми:

Соф немис тилидаги характер ифодаловчи лексемалар			
<i>Positive Eigenschaften</i>		<i>Negative Eigenschaften</i>	
ГРЕК-65-4% ГАҚОН, nett-илтифотли, neugierig-интидувчан, sorgfältig синчков, mutig-жасур, arglos очиққўнгил, edel-олийжсаноб,		barsch-қўпол, faul-ялқов, locker- мужсал, mürrisch-ношукр, neidisch- гайир prahlerisch-манман, schlampig- эътиборсиз, schlau-айёр, dreist-	

ҳимматли, ernst-жиддий, fabelhaft-камсукум, leißig-тиришиқоқ, lebhaft-гайратли, lustig-қувноқ, stark-кучли, stolz-мағрур, sparsam тежамкор, witzig-ҳазилкаш, zärtlich-мұлойим, reif-пухта, пиииқ	шарттаки, derb-қүнол, ruppig-сүрбем, listig-аійер geizig-хасис, grausam-ёвуз, schämlos-уятысиз, unachtsam-әътиборсиз, böse жағлдор,
--	---

Юқорида сифат лексемаларининг этимологик жиҳатдан қайси тилга мансублиги парадигмасини кўриб чиқдик. Энди ушбу сифатларниң ясалиш парадигмаси борасида фикр юритамиз ва мисоллар орқали кўриб чиқамиз.

2. Сифат лексемаларининг ясалиши

Биз таҳлил қилаётган 1626-та инсон характер-хусусиятига оид сифат лексемалари тузилишига кўра туб-ўзакдан иборат сифатлар, қўшимча қўшиш ёрдамида ясалган ва сифатларниң қўшилиши асосида ясалган қўшма сифатлардан иборат.

Кузатишларимиз натижасида 1626-та инсон характерига оид сифатлардан 491-таси туб-ўзакдан иборат сифатлар, 968-таси-ясама-қўшимчалар ёрдамида ясалган ва 168-таси қўшма сифатлардан иборатлиги аниқланди.

2.1 Туб сифатлар: *autark, barsch, bigott, bizarr, bleich, blöd, böse, brav, brutal, charmant, cool, crazy, derb, devout, dezent, direkt, doof, dreist, dumm, echt, edel, faul, feige, feil, fein, fair, fett, flink, frech, glatt, grob, hart, nett, reif, schlau, starr, souverän, sozial, smart, schnell, true u.a*

2.2 Ясама сифатлар-улар турли хил қўшимчалар ёрдамида ясалган сифатлардир. Бу қўшимчалардан: -ig, -isch, -d, -los, -sam, -iert, -voll, -lich, -an, -en, -haft, -bar,-durch кабилар энг кўп сифат ясовчи қўшимчалардир.⁶⁰

⁶⁰ Duden: Grammatik der deutschen gegenwartssprache, 4. Völlig neubearb. U. erw. Aufl., hg. Und bearbeitet v.Günther Drosdowski, Mannheim 1984

a) -ig қўшимчаси ёрдамида ясалган сифатлар 293 тадан иборат. Булардан: *willig, witzig, traurig,tranig, ruhig, pampig, zappelig, zickig, zornig, züchtig*.

-ig қўшимчаси ёрдамида бир қанча қўшма сифатлар ҳам ясалганини кўришимиз мумкин: *teamfähig, wissensdurstig, wissenshungrig, widerstandsfähig, warmherzig, vielseitig*.

b) -isch қўшимчаси ёрдамида ясалган сифатлар 157 тани ташкил қилди: *apathisch, authentisch, betrügerisch, chaotisch, diabolisch, dynamisch, egoistisch, enthusiastisch, idealistisch, individualistisch, kämpferisch, kritisch, melancholisch, neurotisch, optimistisch*

c) -d қўшимчаси ёрдамида ясалган характер-хусусият сифатлари 120 тадан иборат: *anziehend, ausdauernd, beeindruckend, befreiend, begeisternd, folgend*

d) -los (сиз) қўшимчаси ёрдамида ясалган сифатлар 61та: *mutlos, planlos, respektlos, ruhelos, trostlos, lustlos, lautlos, kraftlos, kopflos, hoffnungslos, herzlos*

e) -lich қўшимчаси ёрдамида 87 та сифат ясалган: *herzlich, häßlich, glücklich, gemütlich, friedlich, freundlich, dümmlich, beweglich, künstlich*

f) -iert қўшимчасидан 45 та ясама сифат ҳосил бўлган: *blasiert, dezidiert, diszipliniert, fokussiert, interessiert, kompliziert, kontrolliert, organisiert, reflektiert*

g) -haft қўшимчаси орқали 35 та сифат ясалган. Булардан: *gewissenhaft, flatterhaft, heldenhaft, kumpelhaft, pöbelhaft, phrasenhaft, schreckhaft, schauderhaft, zaghaft, zwanghaft, zauberhaft*

h) -be қўшимчаси орқали 67 та ясама сифат ясалган: *bescheiden, berechenbar, berechnend, belebend, beleidigend, beliebt, berufen, behende, beherrscht*

i) -voll қўшимchasидан 32 та ясама сифат ясалган: *angstvoll, anspruchsvoll, energievoll, fantasievoll, freudvoll, gefühlsvoll, gemütvoll, hoffnungsvoll, humorvoll, kraftvoll, lustvoll, phantasievoll*

j) –sam қўшимчасидан 31 та ясама сифат: *duldsam, einfühlsam, furchtsam, genügsam, geruhsam, gewaltsam, grausam, langsam*

k) –bar қўшимчиаси ёрдамида 23 та сифат лексемаси ясалган: *beeinflussbar, beirrbar, dankbar, erreichbar, unnahbar, sichtbar, lastbar*

Кўриб турганимиздек қўшимчалар ичида энг маҳсулдор сифат ясовчи қўшимчалар булат –ig, –isch, –d ва –lich қўшимчалари дир.

Бундан ташқари –ab, -aus, -auf, ge-, -en, zu-, ver-, -er, miss-, -ent, -emp қўшимчалари vor, durch, über, mit, außer предлоглари орқали ҳам инсон характерини ифодаловчи сифат лексемаларини ҳосил қилиш мумкин: *abstoßend, anregend, aufgereg, ausdauernd, ergeben, gediegen, missmutig, verdreht, empfindungsvoll, enthaltsam, durchtrieben,*

un- қўшимчиаси сифатларнинг салбий маъносини ясаш учун хизмат қиласди: *unfreundlich, ungeduldig, ungefährlich, ungehobelt, ungehörig, ungehorsam, ungenau*

2.3 Кўшма сифатлар. Икки ёки ундан ортиқ мустақил маънога эга бўлган сўзларнинг қўшилишидан қосил бўлган инсон характерига оид сифатлар: *abenteuerlustig, altmodisch, chameleonartig, entscheidungsfreudig, gastfreundlich, gefühlskalt, großherzig, gutmütig, hartherzig, ideenreich.*

Ҳар бир илмий изланиш ўз навбатида қиёслашни, таққослаб ўрганишни тақозо этади. Биз немис тилидаги сифат лексемалари уларнинг этимологияси ва матннадаги ифода имкониятларини нечоғлик бой эканлигини бошқа тиллар билан солиштириш орқали янада кенгроқ очиб беришимиз мумкин. Шу жиҳатдан ўзбек тилида сифат лексемаларининг хусусиятларини ҳам қисқача таҳлил этишни лозим деб топдик.

Ўзбек тилидаги сифат лексемаларни ўрганиш учун Ўзбек тилининг изоҳли лугатининг 5 та жилдини асос қилиб олдик.

Ўзбек тилининг изоҳли лугатида инсон характерини ифодаловчи 357та лексема шундан 228 та салбий, 123 та ижобий характер хусусият ифодаловчи лексемалар аниқланди. Ўзбек тилининг изоҳли лугатини ўрганиб

чиққанимизда шу маълум бўлдики, ўзбек тилига араб тилидан 56 та форс тилидан 47 та характер лексемалари ўзлашган.

Ушбу лексемаларнинг хусусиятларини биз янада кенгроқ очиб бериш, яъни семантик жиҳатдан парадигматикасини ўрганиш учун кейинги ўринларда инсон характерини ифодаловчи фразеологик бирликларга мурожаат қилдик. Чунки фразеологик бирликлар мазмунан бир лексема маъносига тенг бўла олади.

Хулоса ўрнида айтиш мумкинки, ҳар иккала тил ҳам ўзининг мазмунан кенг луғат бойлигига эга бўлиш билан бирга, бошқа тиллардан сўз олиш имконияти кучли. Айнан инсон характерини ифодаловчи сифат лексемалари немис ва ўзбек тилларида ўзининг бир қанча синонимларига эгалиги, этимологияси ва ясалиши бир-биридан фарқ қилсада, миллний – маданий муносабатлар ва халқлар ўртасидаги алоқалар уларни мазмунан бирлаштириб туради.

3.3 Сифатларнинг синтагматик хусусиятлари

Тилнинг ижтимоий вазифалари фақат тил бирликлари воситасидагина намоён бўлади. Тил бирликларининг ўзига хос хусусиятлари, фаолият бирлиги, маълумот йетказиш воситаси сифатида қўлланиш имкониятлари матнда тўлалигича амалга ошади.

Сўз нарса ёки ҳодисанинг номини билдиради, лекин бу номни аташ ўз хусусиятларидан келиб чиқиб, тўғри ҳамда кўчма маънолардаги ҳодисалар қаторига киради. Ҳар қандай сўзнинг маъноси, атоқли отларнинг ҳам маъноси семантик контекстга муҳтож бўлади, сўзнинг аниқ маъносини аниқ ва мулоқотда аниқлаш учун эмас, балки тил белгиси семантикасининг мавҳум тавсифи нуқтаи-назаридан қаралади, сўз эса унинг қўлланилишини тил қурилишида бўғин сифатида аниқлаб келади.

Биз юқорида сифатларнинг парадигматик хусусиятлари ва уларнинг луғат бойлигини оширишда тутган ўрни ҳақида фикр юритиб уларни немис ва ўзбек тилларида қиёсладик. Ҳар бир сўз у қайси туркумга мансуб бўлмасин, унинг ифода имкониятлари матн ичида келганда кенгаяди ва кўшимча маъноларга эга бўлади. Яъни бунда сифатлар кўчма маънода келганда инсонга хос бўлган хусусиятларни ифодалаб келади. Бу эса матннинг бадиийлигини янада оширади. Бунинг учун эса аввало матнда бўлакларнинг бир – бири билан боғланиши мазмун жиҳатдан мос келиши муҳим аҳамиятга эга.

Буни кенгроқ тушуниш учун тилде Валентлик таҳлил методидан кенг фойдаланишади. Биз ҳам ушбу магистрлик диссертациямизда сифатларнинг синтагматик хусусиятини валентлик таҳлили орқали кўриб чиқамиз. Бунда сифат туркумiga оид сўзларнинг бошқа туркум сўзлари билан гапда боғланиш имкониятлари, ички мазмун жиҳатдан функционал фаоллигини очиб беришга ҳаракат қиласиз.

Валентлик ҳақида айтадиган бўлсак, унда асосан сўз муаммоси, сўзнинг нутқ фаолиятидаги-нутқ бирлиги сифатидаги семантис-синтактик,

функционал фаоллиги ўрганилади. Валентлик орқали муайян сўзнинг ўз маъноси асосида бошқа сўзлар билан синтактик муносабатга киришуви аниқланади, яъни сўзнинг турли маънога эга қатор сўзларни ўзига бириктириш хусусиятлари ёритилади. Валентлик методининг обьективлиги илмий-амалий моҳияти, зарурлиги сўз билан сўзнинг лексик-семантиккучи, мавқеи билан белгиланади. Демак сўзнинг жони, руҳи бўлган семантикаси уни бошқа сўзлар билан бирикишини таъминлайди. Бирикма гап каби нутқ бирликлари сўзнинг сўзнинг фикр ифодалаш жараёнида бошқа сўзлар билан бирика олиши натижасида пайдо бўлади. Бунда семантик имкониятни, валент муносабатни яққол кўриш мумкин. Мураккаб тушунчаларни ифодаловчи нутқ бирликларидан то кичик бирликларнинг ҳосил бўлиши бевосита сўз валентлиги билан боғлиқдир. Валентлик орқали сўзларнинг бирикиши-сўзлар орасидаги мантиқий алоқа, даставвал уларнинг семантик имкониятига кўра амалга ошади. Сўзларнинг семантик боғланиши асосида эса семемаларнинг семантис муносабати мавжудлиги аниқланади. Валентлик орқали сўзлар орасидаги семантик муносабат орқали семантик синтагамалар, синтактик конструкция-ларнинг қай тарзда ҳосил бўлиши маълум бўлади. Валентлик таҳлил методи орқали сўзлар орасидаги синтактик алоқа асосида сўзнинг валентлик имконияти мавжудлигини, синтактик алоқа сўзнинг валентлик қобиляти эканлигини кўриш мумкин. Демак, лексемаларга хос бирикувчанлик имкониятлари валентлик тушунчасида яхлитлашади.

“Валентлик тушунчаси функционал ёки динамик синтаксис назарияси билан боғлиқ ҳолда юзага келди. Функционал (динамик) синтаксис категориал (статик) синтаксисга қарама-қарши қўйилади. Бу ғоя француз тилшуноси Л.Тенер томонидан 1934-йилда айтилган эди. Л. Тенер ўзининг бу ғояларини ривожлантириб, 1953-йилда “структурал синтаксис очерки” - “Очерк структурального синтаксиса” асарини яратди, бу асарда валентлик

тушунчаси ҳар томонлама асослаб берилди”⁶¹, - деб ёзади профессор Э.Кўчқортовев⁶²

Туркийшунос олим валентликни соф синтактик тушунча эмас балки семантик-грамматик тушунча деб ҳисоблайди. Сўз валентлиги унинг гапда қандай бўлак бўлиб келиши билан эмас, сўзнинг лексик-семантик хусусиятлари билан белгиланишини таъкидлайди. “Валентликни ўрганиш биринчи навбатда, сўз туркумлари хусусиятларини ўрганиш демакдир” деган хуносага келади.

Валентлик орқали сўз семантик валентлигининг муайян қўриниши бўлган феъл, от ёки сифатларни қайси сўзлар билан бирика олишини, синтактик муносабатга киришишини аниқлаш мумкин.

Масалан: феъл валентлигининг ўзига хослиги шундаки, у семантик имкониятига кўра гапнинг тузилишини белгилайди, унинг қандай сўзлардан таркиб топишини аниқлайди. Ўқталмоқ феълининг семантик имконияти-валентлик қобиляти гапда қуйидаги бирликлар орқали намоён бўлади.

Қиёслаймиз: ўқталди Кимқ Ниманиқ Кимгақ Нима сабабданқ қайердақ ва.б

Ким	У	Кимга	Шубҳали одамга
Нимани	Милтиқни	Нима сабабдан	Эҳтиётдан
Нима қилди	Ўқталди	Қаерда	Эшик тагида

Сифатларнинг валентлиги ҳам худди феълнинг валентлик имкониятига ўхшаш. фақат сифатлар гапда от олдида аниқловчи, ҳол, изоҳловчи вазифаларида келиб гапдаги бошқа бўлаклар билан эркин боғлана олади. Сифат гапда кесим вазифасида келганда худди феъл каби валентлик имкониятини ифодалай олади.

Mein Freund ist sehr *achtsam*. Дўстим жуда эҳтиёткор

Бу гапда сифат кесим вазифасида келган, лекин эга вазифасида келган отни аниқлаб келяпти.

⁶⁴ Qo'chqortoyev I. So'z ma'nosi va uning valentligi. – T.: Fan, 1977. – 71-bet.

III боб учун хулоса

Бадиий асарларда сифат лексемалар ҳар хил сўзлар билан бирикиб, эпитет вазифасида келади. (Жумладан, мовий уфқ, ям-яшил олам, яшил фазо, мовий хаёл, мовий юксаклик, яшил дўст, яшил либос, мажруҳ кўнгил, мурғак дил, гулгун чехра, маккор кўз, ширин хаёл, пок туйғу каби). Бундай бирикмаларда сифатлар муҳим тасвирий восита бўлиб қолмасдан, балки поетик тафаккур элементига, эстетик ҳодисага айланади ҳамда нутқни безаш билан бирга, ҳис-туйғуни, фикрни образли ифодалаш воситаси даражасига кўтарилади. Шу каби асаддаги бадиийликни ошишига хизмат қилган сифат лексемаларини Ремаркнинг “Уч оғайнин” асарида кўплаб учратишимиш мумкин.

Хулоса қилиб айтиш мумкинки сифат маъновий жиҳатдан “белгини номлаш орқали атовчи мустақил лексемалар” ва морфологик принципига мувофиқ “даражаланувчи, ўзгарувчи сифатлар” туркуми сифатида белгиланади. Улар предмет, воқеа-ҳодисанинг турли хил белгисини билдириши, гап таркибида от ва отлашган сўзлардан олдин келиб, аниқловчи вазифасини бажариши, аслий ва нисбий, туб ва ясама, содда ва қўшма турларга бўлиниши, субстанциявий (отлашиш) ҳодисасининг сифатлардаги қўринишлари, сифат ясовчи қўшимчаларнинг ўзига хос табиати, уларнинг ўзаро маънодошлиқ ва антонимлик хусусияти масалаларини ёритиши билан характерланади. Бу борада бир қатор ишлар амалга оширилган. Бироқ сифатларнинг семантик-функционал хусусиятлари, стилистикаси ва инсон характеристикини ифодалашга хизмат қиласидиган маъновий гурухлари (ижобий, салбий, нейтрал) қиёсий тарзда кам ўрганилган.

ХУЛОСА

Ушбу магистрлик диссертациясида олиб борилган изланишлар натижасида шу нарса аниқ бўлдики немис тилида ҳам, ўзбек тилида ҳам сифат ва унинг категориялари, функциялари бир-бирига ўхшашдир. Сифатларнинг валентлиги жиҳатидан гапда бошқа бўлаклар билан бирикиши ҳам иккала тилда ўхшашликларни яққол намоён этади. Немис тилидаги каби ўзбек тилида ҳам ясалиши ва ясалиш учун асос бўлиши жиҳатдан маҳсулдор сўз туркуми сирасига киради.

Немис тили луғат бойлигига муҳим ўрин тутган инсон характерини ифодаловчи сифат лексемаларини морфологик, синтактик, семантический ва этимологик жиҳатдан ўрганиб, уларнинг парадигматик ва синтагматик муносабатларда акс этишини таққослаган ҳолда, қуйидаги хулосаларга келинди.

1. Сифат сўз туркумiga оид сўзларнинг немис тили луғат бойлигининг олтидан бир қисмини (16,7%) ташкил этишининг ўзиёқ бу туркумга оид сўзларни турли нуқтаи-назардан тадқиқ этиш имконини беради.

Инсон характерини Психологик жиҳатдан ёритиш ижтимоий жараёнлар билан боғлиқ эканлигини, шу билан бирга Психолингвистиканинг ҳам инсон характери шаклланишида муҳим ўрин тушишиниҳисобга олсак, бундан қуйидагича хулоса қилиш мумкин.

2. Инсоннинг характер хусусияти, нафақат Психологиянинг балки бошқа кўплаб соҳалар сингари Лингвистиканинг ҳам дикқат марказида туради. Бу эса ўз навбатида тилимизга инсон феъл атворини ифодаловчи янги лексемаларнинг кириб келиши ва тилимизнинг бойишига хизмат қиласди.

Инсон характери унинг ҳаёт тарзини ташкил этар экан, бадиий адабиётлар марказида ҳам доимо инсон ва унинг хусусиятлари туради. Диссертацида назарда тутилган айнан шу хусусиятлар шундан далолат берадики, характер –хусусият сифатлари нафақат кундалик тилимизда ю

балки бадиий адабиётда ҳам алоҳида мавқега эгаю Уларнинг маъно имкониятлари жуда кенг. Уларга хос бўлган ижобий ва салбий семалар бадиий матн талаби билан турли хил окказионал семаларни ифодалаш, инсон ички оламини тасвирлашда муҳим услубий воситаларидан бири саналади.

4. Инсон характерини ифодаловчи лексемалари қай тилдан ўзлашган бўлмасин салбий характер-хусусият ифодаловчи лексемаларни ижобий лексемаларга нисбатан кўпроқ. Яна шуни алоҳида таъкидлаб ўтиш жоизки, ушбу лексемаларнинг кўпчилиги тўғридан-тўғри таржима қилганимизда инсон характерини ифодалаб келмайди. Уларнинг аксариятини кўчма маънода қўллаганимиздагина инсон феъл-авторига хос бўлган маънога эга бўлади.

Хулоса ўрнида айтиш мумкинки, ҳар иккала тил ҳам ўзининг мазмунан кенг луғат бойлигига эга бўлиш билан бирга, бошқа тиллардан сўз олиш имконияти кучли. Айнан инсон характерини ифодаловчи сифат лексемалари немис ва ўзбек тилларида ўзининг бир қанча синонимларига эгалиги, этимологияси ва ясалиши бир-биридан фарқ қилсада, миллий – маданий муносабатлар ва халқлар ўртасидаги алоқалар уларни мазмунан бирлаштириб туради.

Умуман олганда, сифат лексемаларидан нутқ жараёнида, жумладан, бадиий матнларда ўринли ва оқилона фойдаланиш, услубий таъсирчанликни ошириш, маънони кучайтиришнинг муҳим воситаларидан бири саналади. Даврлар ўтиши билан тил воситаларининг нутқда қўлланиш имконияти кенгайиб борганидек, сифат лексемалари ҳам янги ифода семалари билан таъсирчанликни ошириб бормоқда. Бу эса келгусида сифат лексемаларига оид кузатишларни яна янги материаллар асосида давом эттириш заруратини кўрсатади

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ

I. Китоблар

- 1 Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Чет тилларини ўрганиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида” ги қарори. 10.12.2012 -й
- 2 Каримов И А Она юртимиз бахту иқболи ва буюк келажаги йўлида хизмат қилиш-енг олий саодатдир. -Тошкент: “Ўзбекистон” - 2015
- 3 Каримов И.А. Юксак маънавият-енгилмас куч. – Т.: „Маънавият”, 2008
- 4 Admoni W. Der deutsche Sprachbau., München 1986
- 5 Agricola. Wort und Wendung. – Leipzig, 1972.
- 6 Benjaminow J.R Vergleichende Typologie der Deutschen und Usbekischen Sprache Тошкент:Ўқитувчи, 1982.
- 7 Burger H. Phraseologie. Eine Einführung am Beispiel des Deutschen. – Berlin, 1998.
- 8 Der Duden (1984:270) нennt diese Umformung die “Attributsprobe“
- 9 Duden: Grammatik der deutschen gegenwartssprache, 4. Völlig neubearb. U. erw. Aufl., hg. Und bearbeitet v.Günther Drosdowski, Mannheim 1984
- 10 Engel, Ulrich Deutsche Grammatik. Heidelberg, 1992
- 11 Eisenberg P. Bibliographie zur deutschen Grammatik., Tübingen 1986
- 12 Erben Jh. Einführung in die deutsche Wortbildungslehre. – Berlin, 2000
- 13 Fleischer W. Wortbildung der deutschen Gegenwartssprache, Leipzig, 1969.
- 14 Fleischer W., Barts I. Wortbildung der deutschen Gegenwartssprache, Thülingen. 1995.
- 15 Fleischer W. Phraseologie der deutschen Gegenwartssprache. Leipzig. 1982.
- 16 Glinz, H(1) “Die innere Form des Deutschen. Eine neue deutsche Grammatik“
- 17 Griesbach, Heinz Neu deutsche Grammatik, Berlin, München 1986
- 18 Götze, Lutz Valenzstrukturen deutscher Verben und Adjektive. Eine didaktische Darstellung, München 1979
- 19 Helbig, Gerhard Valenz-Satzglieder-semantische Kasus-Satzmodelle, Leipzig 1982.
- 20 HELBIG, Gerhard/BUSCHA, Joachim (1984): Deutsche Grammatik. Ein Handbuch für den Ausländerunterricht. Leipzig: Enzyklopädie
- 21 H, Buscha: Studien zur deutschen Syntax, 2 Бände, Leipzig 1984
- 22 H, Weinrich DUDEIN, “Textgrammatik der deutschen Sprache“

- 23 Hirt H. Etymologie der neuhighdeutschen Sprache. Darstellung des deutschen Wortschatzes in seiner geschichtlichen Entwicklung. München 1909.
- 24 Имаминова Ш. С. Немис тили Фразеологияси. – Т.: Мумтоз сўз, 2011
- 25 Iskos A., Lenkowa A. Deutsche Leksikologie. – St-P., 1970.
- 26 Jung, Walter Grammatik der deutschen Sprache, 10. Neubearb. Aufl., Mannheim 1990
- 27 Каримов С. Бадий услуб ва тилнин тасвирий ифода воситалари. - Самарқанд: СамДУ нашри, 1994.
- 28 Lewkowskaja X.A. Lexikologie der deutschen Gegenwartssprache. – M., 1968.
- 29 Moskalskaja, O.I Satz, Text, sprachliche Handlung. U. hg. Von Hanz Zikmund, Leipzig 1984
- 30 Мирсоатов Т. Немис тили Грамматикаси. –Т.
- 31 Неъматов X., Бозоров О. Тил ва нутқ. – Тошкент:Ўқитувчи, 1993.
- 32 Petra, L. Das Adjektiv in gesprochener Sprache,- Tubingen,. 1989
- 33 Remarque.E.M. Drei Kameraden. - Amsterdam. 1938.
- 34 Remarque.E.M. Уч ўғайни. Н.Комил таржимаси.- Т.: „Маънавият” 2002.
- 35 Stepanova M.D., Černyševa I.I. Lexikologie der deutschen Gegenwartssprache. –M., 1986.
- 36 Сафаров Ш. Когнитив Тилшунослик. 2006,
- 37 Teubert, Wolfgang Valenz des Substantiv. Attributive Ergänzungen und Angaben, Düsseldorf
- 38 Хусанов Б, Гуломов В. Муомала маданияти. -Тошкент, 2007
- 39 Schippan Th. Einführung in die Semasiologie. 2. überarb. Aufl. Leipzig 1975
- 40 Schippan Th. Lexikologie der deutschen Gegenwartssprache, Leipzig, 1984.
- 41 Starke, Sommerfeld .1988
- 42 Фрумкина Р.М. Психолингвистика. М., 2001.
- 43 Хомский Н. Язык и мышление. М., 1972.
- 44 Wotjak G. Untersuchungen zur Struktur der Bedeutung. Berlin., 1971

II. Илмий тўпламлардаги мақолалар

45. Содиқова Г.И Инглиз ва ўзбек тилларида инсон характерини ифодалочи фразеологик бирликларнинг умумий ва миллий-маданий хусусиятлари. // Илмий мунозара муаммо, ечим ва ютуқ. Республика илмий-амалий анжуман материаллари. –Тошкент ЎзМУ, 2016

III. Журналлардаги мақолалар

46. Ҳакимова М.Қ, Исоқова М.Т Психолингвистик тадқиқодлар хусусида, “Психология” 2015 -№ 2

IV Диссертация ва диссертация авторефератлари

47. Achralowa M. "Zu einigen Aspekten der semantischen Valenztheorie unter besonderer Berücksichtigung der Wortbildung der deutschen Gegenwartssprache. Diss.Berlin, 1978
48. Маматов М.М Предикативнің атрибут в немецком и узбекском языках, канд. Дисс, Л.1976

V.Луғатлар

49. Wien Langenscheidt, Verl. Enzyklopädi
50. Kluge F. Etymologisches Wörterbuch der dt.Sprache. 1.Aufl.1883.).
51. Duden. Band 1. Die Rechtschreibung 19 Duden.
52. Band 2. Das Stilwörterbuch
53. Duden. Band 3. Das Bildwörterbuch 21 Duden. Band 4. Die Grammatik
54. Duden. Band 5. Das Fremdwörterbuch
55. Duden. Band 6. Das Aussprachewörterbuch
56. Duden. Band 7. Das Herkunftswörterbuch
57. Duden. Band 8. Die sinn – und sachverwandten Wörter
58. Duden. Band 9. Richtiges und gutes Deutsch
59. Duden. Band 10. Das Bedeutungswörterbuch
60. Duden. Band 11. Redewendungen und sprichwörtliche Redensarten
61. Duden. Band 12. Zitate und Aussprüche
62. Даъъ В.И. Толковый словарь живого великорусского языка, т. Третий, М.: 1955
63. Умарходжаев М., Назаров А. Немисча - русча - узбекча фразеологик лугат. - Т.: Уқитувчи, 1994
64. Рахматуллаев Ш. Узбек тилининг фразеологик лугати. - Т.: Комуслар бош таҳририяти, 1992
65. Ҳожиев А. Лингвистик терминларнинг изоҳли луғати. Тошкент: “Ўқитувчи”, 1985
66. Ўзбек тилининг изоҳли луғати. f1,2,3,4,5-жиллар. Тошкент. 2010
67. Бутаев З, Исмоилов Ю, Каримов Ш. Немисча-ўзбекча луғат, Тошкент-2007

V. Интернет сайтлари

1. <http://ziyonet.uz/>
2. <http://google.co.uz/>
3. <http://google.fr/>
4. <http://fr.wikipedia.org/>
5. <http://www.phraseo.de>
6. <http://en.wikipedia.org/wiki/Psycholinguistics>